Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 29 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 38 (6735)

Даъват

Тўғри сўз кўнгилга аччиқ тегади. Агар сен уларни ҳазм қила олсанг, унинг манфаати маза беради.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ибрат

Булоқбоши туманидаги Ўзбекистон темир йўллари 2-депоси бригадири Абдужалил Шарипов ўз шахсий жамғармасидан Ширмонбулоқ қишлоғи болалари учун 320 ўринли мактаб биноси қуриб беришга аҳд қилди.

САМАРАЛИ ТАШРИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кавказорти мамлакатлари сафарида

Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришда унинг ташқи дунё билан алоқа қилувчи қулай йўлларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу йўллар ташқи савдо-сотиқ ҳажмини ошириш орқали халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Грузиянинг Поти бандаргоҳи Ғарб ва Яқин Шарқ давлатлари билан савдо-сотиқ олиб боришда Ўзбекистон учун катта стратегик аҳамиятга эгадир. Ҳозирга қадар Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳамкорлик борасидаги бир неча ҳужжатлар имзоланган эди. Бундай ҳужжатлар Озарбайжон билан ҳам имзоланиши кўзда тутилганди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 27 май кунидан Кавказорти мамлакатлари — Озарбайжон ва Грузия Республикалари сафари мамлакатимизнинг дунё бозорига тўғридан-тўғри чиқишида ўзаро манфаатли ишончли ҳамкорлик асосларини яратишни кўзда тутгандир.

27 май куни Боку аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг ҳар икки давлат раҳбарлари журналистларга қисқача баёнот бердилар.

Шу куни Бокудаги Президент саройида И. Каримов ва Ҳ. Алиевлар ўртасидаги яккама-якка мулоқотдан сўнг ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги ўндан зиёд ҳужжат ҳам имзоланди.

Ислом Каримов Боку давлат университетига ташриф буюриб, дорилфунун раҳбарлари, олимлар ҳамда ўқитувчилар билан учрашди. Бу ерда Ўзбекистон давлати раҳбарига Боку давлат университетининг фахрий доктори дипломи топширилди.

Мамлакатимиз Президентининг Кавказорти мамлакатларига расмий сафари 28 майда ҳам давом этди. Ахборот агентликларининг таъкидлашича, Ислом Каримовнинг ташрифи ғоят самарали бўлиб, Ўзбекистоннинг Озарбайжон ва Грузия билан дўстлик ҳамда ҳамкорлигида янги уфқларни очади.

ТЕАТР ЁНИДАГИ ТОМОША

Ярмарка

Олдин хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги ёш томошабиннлар театри ёнидаги майдонда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар-техника билим юртларининг анъанавий республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур ярмарканинг очилиш маросимида Республика президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев, Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашдилар.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида Халқ таълими вазирлиги ўқув юртларида бюджетдан ташқари қўшимча маблағлар топиш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу хил мақсадларга жойлардаги, ҳунар-техника билим юртларидаги устахоналар ва бошқа хўжалик бўлинмаларида саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўли билан эришилмоқда.

Ушбу гапларимизнинг қанчалик ҳақ эканлигини тубандаги би-

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ **Руминия Президенти Ион Илиескунинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 4-6 июнь кунлари расмий ташриф билан Руминияда бўлади.**

❀ **25 май куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги шу мамлакат ҳукумат делегацияси аъзолари билан учрашди. Унда Тожикистон ҳудудидаги Олтинтопган кони майдонидан фойдаланиш тўғрисида ўзаро икки мамлакат ўртасида битим имзоланди.**

❀ **Жаҳон аҳлий мулк ташкилоти (ЖАМТ)нинг бош директори Арпад Богш бошчилигидаги шу ташкилот делегацияси Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.**

❀ **БМТнинг қочоқлар иши бўйича агентлиги ҳисоботига кўра 1989 йилдан буён собиқ СССР ҳудудида 9 миллион киши ўз ватанларини ташлаб чиқиб кетишган. Миллий низоларнинг кучайганлиги ҳамда экологиянинг ўта ёмонлашиб кетганлиги бунга асосий сабаблар бўлган.**

❀ **Фаластин миллий ҳукумати режа ва иқтисодий ҳамкорлик вазири Набиль Шаат Вашингтондаги матбуот конференциясида Иерусалимда иккита пойтахтни, яъни шаҳарнинг ғарбида яҳудийлар, шарқида фаластинликлар пойтахтини ташкил этишни ёқлаб гапирди.**

❀ **Эронда икки кунлик ҳарбий машқлар бўлиб ўтди. Унда 200 мингга яқин ҳарбий хизматчи қатнашди. Бу Яқин Шарқда ўтказилган энг катта ҳарбий ўқув машқи сифатида баҳоланмоқда.**

Янги ўқув йилига шаймисиз?

ҲОКИМНИНГ ТАШАББУСИ

Яккабоғ туманидаги 95 та ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабда 40 минг ўқувчи таълим-тарбия олади. Шу кеча-кундузда бу билим масканларида ўқув хоналарини, лабораториялар ва устахоналарни навбатдаги ўқув йилига тайёрлаш, яъни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Туман ҳокими Х. Раҳмонов ташаббуси билан май ойи бошида барча мактабларни пухта таъмирдан чиқариш, дарсликлар, кўргазмали қуроллар ҳамда ускуналар ҳозирлаш масаласига бағишланган мактаб, хўжалик ва оталиқ ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳомийлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Уларга мактабларни мазкур ўқув йили тугагунга қадар ҳамкорликда бу ишни сифатли қилиб бажариш юклатилди. Шундан сўнг мактабларни ва улардаги мавжуд жиҳозларни таъмирлаш мақсадида тумандаги жамоа ва ширкат хўжаликлари, оталиқ ташкилотлари, ҳомий ташкилотлар махсус жамғарма ташкил этишди. Мазкур жамғарма асосида илм масканлари керакли асбоб-анжомлар — оҳак, бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари билан таъминланмоқда.

Ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ўз ташаббуслари билан бригадаларга ўюшган ҳолда таъмирлаш ишларига қатнашмоқдалар. Тумандаги «Аланга», Охундов, Усмон Қудратов, Каттабой Ашуров, Муҳаммади Очилов, Усмон Юсупов, Улуғбек, Мичурин, Навоий, Ойдин Собирова, Раҳмон Мейлиев, Ғафур Ғулом, Ал-Хоразмий номидаги ўрта мактабларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Мактабларни барвақт таъмирлаш ишига тумандаги «Ўзбекистон», Узоқ Мирзаев номидаги, Карим Мойлиев номидаги, Яккабоғ боғдорчилик давлат хўжалиги Бойқул Худоёров номидаги, Амир Темур номидаги, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликлари, ун заводи, Яккабоғ «Оқ олтин» пахта тозалаш заводи ва бошқа оталиқ ҳамда ҳомий ташкилотлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳокимият ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорликда таъмирлаш ишларини сифатли ва намунали уюштириш бўйича махсус назоратчилар тайинланган. Улар таъмирдан чиққан мактабларни қабул қилиш иши билан шуғулланадилар.

Яқинда туманда яна бир янги хушхабар тарқалди. 1-ўрта мактаб ўқувчилари янги ўқув йилидан бошлаб уч қаватли янги бинога кўчиб ўтишади. Кўпгина мактаблар қошида қурилаётган қўшимча биноларни ҳам янги ўқув йили бошидан ишга тушириш мўлжалланаётир.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
Яккабоғ туман халқ таълими бўлими ходими.

Ҳайъат йиғилишида

ВАЗИРЛИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Республикамизда таълим-тарбия соҳасининг ўзига хос тарзда ислоҳ қилинаётганлиги бир талай ютуқларнинг қўлга киритилишига ҳамда турли муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати йиғилишлари муваффақиятларни рағбатлантириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этишни муҳокама қилиш майдони вазифасини ҳам ўтамоқда.

Навбатдаги ҳайъат йиғилиши эса кун тартибидаги масалаларнинг бошқа тааллуқли вазирликлар вакиллари иштирокида муҳокама этилганлиги билан ажралиб турди.

Биринчи масала: Сирдарё вилоятида ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида. Маълумки, ўтган йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳақида»ги қарори қабул қилинганди. Шунга асосан вазирликлар ногирон болаларга таълим-тарбия бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича тегишли йўриқномалар ишлаб чиққанди. Мазкур расмий ҳужжатларга асосан Сирдарёда бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу борадаги камчиликлар, муаммолар, ва кўзбўямачиликлар борлиги аён бўлди. Айниқса, мактаб ва мактаб ёшидаги 6063 нафар ногирон болани даволаш ва таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш учун қўшимча махсус мактаб-интернатлар етишмагани ҳолда вилоятдаги 70-мактаб-интернатдаги 252 ўқувчидан 170 нафарида сил манбаини белгиловчи маълумотнома йўқлиги кечириб бўлмас ҳол сифатида баҳоланди.

Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов бу борада иккала вазирлик ҳамкорлиги

(Давоми 2-бетда)

Янгилик

ҲАММА ГАП ҲАВАСДА

Қизилтепа туманидаги Файзулла Хўжаев номидаги мактабнинг дурадгорлик тўгараги раҳбари Ўктам Раҳматовдан ўқувчилар мамнун бўлишди. У тут ёғочидан анча мустаҳкам ёзув қуроли — ручка тайёрлашни жорий қилди.

Дарвоқе, мактаб устахонасида маҳаллий шароитдаги хомашёлардан фойдаланилган ҳолда ёзув пастаси ҳам ишлаб чиқариляпти. Бу эса сиёҳи тугаган елим стержинни яна қайтадан тўлдириш имконини беради.

Бу ҳаммамиз учун қувонса арзигулик янгиликдир. Кексаларимиз эса, «ҳавас қилганнинг тилагини Яратганнинг ўзи албатта ижобат қилажак» дея бежиз гапиришмайди.

Баҳодир ЭГАМОВ.

Имтиҳонга тайёрмисиз?

ТЕСТ КОНСУЛЬТАЦИЯСИДАН РЕПОРТАЖ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-ихтисослашган лицей-мактаб нафақат пойтахтдаги, балки республикамиздаги энг яхши мактабларидан саналади. Мазкур лицей-мактаб 1992 йил ташкил этилиб, бу ерда Тошкент давлат 2-тиббиёт олийгоҳи, Тошкент давлат педиатрия институти, Тошкент давлат педагогика институти, Тошкент давлат автомобиль йўллари олийгоҳи ва Тошкент давлат молия олийгоҳлари учун ихтисослашган махсус ўқув дастури асосида талабалар тайёрлаб берилади.

Лицей-мактабни тугаллаган ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш суръати йиллан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, биринчи ўқув йили бу кўрсаткич 60 фоизни, иккинчи йили 78 фоизни, учинчи, тўртинчи йиллари 98 фоизни ташкил қилди. Бу эса ўзўзидан лицей-мактабда таълим-тарбиянинг намунали йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ўтган йили лицей-мактаб «Йил мактаби-95» республика кўрик-танлови ғолибларидан бири бўлган.

Лицей-мактабда жами 1417 нафар ўқувчига 117 нафар ўқитувчи турли фанлардан сабоқ беради. Булар орасида беш йирик олийгоҳнинг 30 га яқин фан номзодлари, олий тоифали ўқитувчилари ҳам бор. Мазкур ўқув йилида мактабни 135 нафар 11-синф ва 154 нафар 9-синф ўқувчилари битиришмоқда. 11-синф ўқувчиларининг 98 нафари турли ихтисосликлар бўйича ўқишган бўлса, 37 нафари тикувчилик ва авточилангарлик касбини мукаммал эгалладилар. Демак, ўқувчиларнинг кўпчилиги мактаб аттестати билан бир қаторда 4-разрядли тикувчилик дипломларини ҳам қўлга олишади. Ўқувчи руҳияти, қизиқиши, интилиши ҳисобга олинган ҳолда танланган бу мақбул усулнинг ҳар томонлама фойдали бўлиши, айниқса, бугунги бозор иқтисоди шароитида ўзини тўла оқламоқда. Яъни ўқувчи партада ўтириб, билим олиш баробарида бевосита амалиёт билан танишади. Бу эса ўзўзидан унинг оиласига ҳам, келажаги-

(Давоми 2-бетда)

Халқ таълими ва бошқарув

ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН ИМКОН ИЗЛАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон пойтахтига самолётда икки соатлик йўл, демак, анча олис. Бугунги кунда халқ таълими тизимини бошқариш бу ерда ҳам жиддий мураккабликлар туғдиради. Бироқ замон талаб этган ишлар барибир амалга оширилиши керак. Журналистлар Абдурашид Исроилов ва Пардабой Эргашевлар яқинда ана шу минтақада бўлишиб, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Татлимурод Отамуродов билан суҳбат уюштириб, таҳририятимизга юборишибди. Қуйида ана шу мулоқот матни билан танишасиз.

— Татлимурод ака, биринчи галда Президентимизнинг куйиб-пишиб айтаётган муаммолари — тоза ичимлик суви, табиий газ билан болалар муассасаларини таъминлаш даражаси, қишлоқ мактабларидаги шароитлар ҳақида суҳбатлашсак. Суҳбатни ижтимоий масаладан бошлаганимиз яхши.

— Бу ўринда, аввало, ўтиш даври бўлса-да, халқ таълими соҳасига биринчи даражали вазифа сифатида қаралаётганини таъкидлашимиз керак. Бунинг исботи нимада кўринади? Масалан, болалар муассасаларини сув, газ билан таъминлаш бўйича кейинги икки-уч йил ичида жуда катта ишлар амалга оширилди. Тоза ичимлик суви бизда муаммо. Биз кўплаб болалар боғчаларида мавжуд сувни обдон қайнатиб, болаларга бериб келаётирмиз. Аксарият боғча ва мактаблар тоза ичимлик суви билан таъминланган. Мана, Туямўйин—Нукус сув қувури ишга туширилди. Ҳозир Туямўйин—Нукус—Тахтакўпир, Туямўйин—Нукус—Мўйноқ сув қувурлари ётқизилиб, ишга туширилмоқчи. Бу халқ тўғрисида, шу жумладан ёш авлод ҳақида ғамхўрликдир. Бизда тўққизта авария ҳолатидаги мактаб бор эди, ҳозир уларнинг сони 34 тага етиб қолди. Сабаби, кейинги вақтларда қурилиш объектларининг озайиши, мактабларимизда икки-уч сменада ўқитишнинг йўлга қўйилганидир. Эски бинолар тезда нураб, кўркини йўқотиб, ночор қиёфага келиб қолмоқда. Нима қилишимиз керак? Маблағни расамади билан тақсимлаб, аҳволни ўнглашимиз даркор.

— Татлимурод ака, сизнинг фикрингизча, бугунги кун мактабининг қайси жиҳатига кўпроқ эътибор бериш керак: бинолар қурилишигами, мактабларни техник асбоб-ускуналар билан, ўқувчиларни эса дарсликлар билан таъминлашгами?

— Албатта, ҳаммаси ҳам зарур. Аввало бизда авария ҳолатидаги мактаб бўлмаслиги керак. Шу боис лойиҳаси бор-йўқлигидан қатъи назар, биз ночор мактаб бинолари негизида бутунлай янги, пишиқ ва мустаҳкам иморатлар тиклашни бошлаяпмиз. Ахир, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтираверган билан ўзгариш ясаб бўладими? Менимча, халқ таълимига ёрдамни китоб билан таъминлашдан бошлаш керак. Ўқийман деган

(Давоми 2-бетда)

- Нега авария ҳолатидаги мактаблар кўпаймоқда?
- Боғчалар қандай ишламоқда?
- Мутахассис кадрлар нега кам?
- Ёз—ўтадими соз?

Диққат! Келгуси сонда!

ЎҚУВ РЕЖАСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Умумтаълим мактабларининг I-XI синфлари учун 1996-97 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи асосида тузилган ўқув режаси ва тушунтириш хатига қўшимчаларни газетамизнинг келгуси сонида эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ: ЧИҚИШ ВА КИРИШ

Боёвут туманидаги 4-ўрта мактабда сўнгги қўнғироқ овози ўқувчилар қалбидаги ҳаяжон пардаларини ҳам чертиб юборди, айниқса, битирувчи синф ўқувчиларининг. Мактаб директори Т. Бўриев ўқув йили якунланганлиги билан ўқувчиларни табриклади. Битирувчи синфларга оқ йўл тилади.

Ўз навбатида ўқувчилар ҳам олган билимларини ҳаётга татбиқ этишга ваъда бердилар.

ВАТАН МЕҲРИ ҚЎШИҚЛАРГА ПАЙВАСТА

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови қадим Хоразм воҳасида ҳам ўзгача ҳаяжонлар билан якунланди. Мустақил диёримизни, унинг бугунги ва буюк келажагини тараннум этувчи янги-янги қўшиқлар яратилди. Хива шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Баёний номли иқтидорли ўқувчилар гимназияси талантлари кўрик-танловда қатнашиб, вилоят миқёсида ғолиб деб топилди.

Шу кунларда мактабнинг хор жамоаси республика бўйича ўтказиладиган кўрик-танлови босқичига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар.

ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан спорт мактаблари қизлар жамоаси ўртасида волейбол бўйича вилоят биринчилиги учун финал мусобақалари бўлиб ўтди. Ўйин Андижон шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳида ўтказилди. Унда 12 та жамоа ўзаро беллашдилар. Мусобақада Балиқчи тумани қизларига ғалаба насиб этди.

БОР БЎЛИНГ, УСТОЗЛАР!

Зангиота туманидаги 33-мактабда ташаббускор муаллима Наргиза Ибатова ташкилотчилигида бўлиб ўтган «Соғ бўлинг устозлар, бор бўлинг, устозлар!» деб номланган бадиий кеча мактаб жамоаси хотирасида муҳрланиб қолса ажаб эмас.

Мактаб битирувчилари шарафига ўтказилган мазкур кечада мактабнинг 4-»Г» синф ўқувчилари алоҳида фаоллик билан қатнашдилар. Ифодали шеър ўқиш, турли саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар кечага ўзгача тароват бахш этиб, томошабиннлар қалбига шукуҳли лаҳзалар туҳфа этди.

МУАЛЛИФЛАР: А. Шокир, А. Сафоев, А. Эралиев, М. Ҳайитбоева.

ХАБАРЛАРИ

ВАЗИРЛИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

(Боши 1-бетда).

зарурати тўғрисида тўхталди. Ҳайъат қарори билан Сирдарё вилоятида ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги маълумотнома Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига ахборот ва бир ой муддат ичида тегишли чоралар кўриш учун юборилди. Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасига 10 кун муддат ичида қайд этилган камчиликларни тугатиш, вилоят ҳокимлигига, соғлиқни сақлаш булимига қўшимча махсус мактаб-интернатлар қуриш ҳақида таклиф киритиш юклатилди.

Узбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда кўрилган иккинчи масала Сурхондарё вилояти халқ таълими муассасаларида Узбекистон республикаси Халқ таълими, Ички ишлар вазирлигининг 1995 йил 24 августдаги «Жиззах вилоятида ўқувчи-ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича олиб борган ишлари» ҳақидаги қўшма ҳайъат йиғилишининг 8/2 қарорининг бажарилиши ҳақида бўлди. Вилоятда ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ва бошқа таълим-тарбия муассасаларида турли ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, «Жиноят кодекси», «Фуқаролик процессуал кодекси», «Ёшлар тўғрисида»ги Қонун муҳокамалари ўтказилган. Ўқувчиларнинг кўпчилик қисми турли тўгаракларга жалб этилган. Шунга қарамай вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 1995 йили 1994 йилга нисбатан 8 тага, жиноий жавобгарликка тортилганлар 9 тага, спиртли ичимлик истеъмол қилиш 5 тага, жиноятларда иштирок этган мактаб ўқувчилари 14 тага, илгари жиноят содир этганлар 5 тага ошган. Вилоятда гиёҳванд моддалар билан жиноят содир этган 14-17 ёшлилар 4 тага кўпайган. 1996 йилнинг биринчи чорагида ўсмирёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар 1995 йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 фоизга ошган. Утган йили ўқитувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сони 105 тага етган.

— Сурхондарёда бу аҳволнинг юзага келишида мен бир сабабни, яъни «Оила, мактаб, маҳалла» дастури концепциясига амал қилинмаётганлигини кўраяпман, — деди Узбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Чунки буларнинг барчаси назоратсизликдан келиб чиқади. Агар учала куч бирлашса, яъни оилада ота-она, мактабда муаллим, маҳаллада оқсоқол болани кузатиб турса, бу халқа ичидаги ўқувчи ҳеч қачон жиноят қилмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатяпти, қайси мактабда давомат паст булса, ўша ерда қонунбузарлик ҳам бор, жиноят ҳам. Мактабга бормасликнинг ўзи ҳам жиноят. Негаки, умумтаълим мамлакатимизда мажбурийдир.

Муҳокамалардан сўнг қўшма ҳайъат йиғилишининг қарори қабул қилиниб, тегишли ташкилот ва муассасаларга масала юзасидан вазифалар юкланди.

Учинчи масала бевосита таълим жараёнига таалуқли булиб, унда Қашқадарё вилояти ўқув муассасаларида педагоглар билан меҳнат шартномасини битим шаклида тузиш ва уларни аттестациядан ўтказишнинг аҳволи кўриб чиқилди. Бу жараённинг бошланганига уч йилдан ошаётган булса-да, вилоятда ўтказилган аттестация ва меҳнат шартномасини битим шаклида тузишда Низомларга хилоф равишда иш олиб борилган. Бунинг сабаби вилоят халқ таълими бошқармаси туман (шаҳар) халқ таълими булимларига Низомни етказиш билангина кифояланган. Аслида, унинг мазмун-моҳияти, зарурати тўғрисида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилиши керак эди. Натижада аттестациядан ўтказиш комиссияси аъзолари қайта аттестациядан ўтказишда аввалги комиссиянинг педагогга берган тавсиялари, уларнинг бажарилиши эътиборга олинмаган. Берилган тоифалар меҳнат дафтарчаларида қайд этилмаган. 14-техник лицейда педагоглар аттестация варақасига кўра 1994 йил майда аттестациядан ўтган, унинг баённомаси эса бир ой олдин тузилган ва тасдиқланган. Бундай ҳоллар педагог фаолиятига холис баҳо берилмаётганлигидан, аттестация фақат тоифани кўтаришдангина иборат, деган тушунча билан ўтказилаётганидан далолат беради. Худди шу мазмундаги хатоликларга меҳнат шартномасини битим асосида тузишда ҳам йўл қўйилган.

Таълим мазмунини яхшилашга, ўқитувчилар масъулиятини оширишга хизмат қиладиган асосий бу икки омил бекаму кўст бажарилиши лозимлиги ҳайъат йиғилишида яна бир бор таъкидланди. Қашқадарё вилоятида йўл қўйилган бу камчиликларни бартараф этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бу масалани узларида яна бир бор кўриб чиқиш ва амалий чора-тадбирлар белгилаш каби вазифалар ҳайъат қарорида ўз аксини топди.

Мухбиримиз.

ТЕАТР ЁНИДАГИ ТОМОША

(Боши 1-бетда).

лимгоҳлар ютуқларидан кўришимиз мумкин.

Барча вилоятлардаги ҳунартехника билим юртлари ўқувчилари томонидан тайёрланган хилма-хил саноат маҳсулотлари, бадиий буюмлар, турли хил металл, ёғоч буюмлари намойиш қилинган майдонга боқиб ўзбекнинг яратувчанлигига тасаннолар ўқийсиз.

Сир-синоатлар ошиёни қадим Бухоро. Бу диёр ойбарчинлари тиккан дўппилардаги зар ҳошияларда гўзалликнинг бокира сирларини кўрдим. Сопида моҳитоб акс этиб турган Андижон қиличларида Мирзо Бобур шижоатини туйгандек бўлдим. Хоразм кулоллари ясаган кўзаларда олис-олис даврлар нафаси уфуриб тургандек. Тошкентнинг турфа мева-сабзавотларида заминимиз саховати акс этиб турибди. Сирдарёда ясалган сирли сандиқлар, Жиззах чеварлари тиккан кашталар кишини беихтиёр фасоҳат гулшанига меҳмон қилиб қўяди. Қашқадарёнинг гўзал гиламларида, Сурхондарёнинг ўймакор эшикларида, Фарғонанинг нақшинкор бешикларида миллий нафосат жилолониб турибди. Навоий вилояти билим юрти ўқувчилари тайёрлаган гулдонлар, офтобалар ҳунармандчилик сирларининг нозик қирраларини ифодалаб турибди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, савдодаги маҳсулотлар ўзининг арзонлиги, сифатлилиги билан эътиборга молик.

Биргина мисол: Самарқанд шаҳридаги 9-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари томонидан тайёрланган бир дона доска 1000 сум, битта парта 2300 сум, шаҳардаги техникавий лицей ўқувчилари тайёрлаган битта парта эса 2089 сум. Нима булганда ҳам бу хил маҳсулотлар бугунги бозор нархидан анча арзон. Ургут шаҳридаги миллий ҳунармандчилик лицейи ҳам ярмаркага 200 минг сўмлик маҳсулот олиб келган. Улар тайёрлаб келган маҳсулотлар ҳам бугунги кун нархидан арзонлиги туфайли қўпгина муассаса раҳбарларидан буюртма олишди.

Дарҳақиқат, ҳунарлар зар сочган ушбу жойни томоша қилар экансиз, турли вилоятлар ўқувчилари томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг бир-биридан айрича, ўзига хослигини кўрасиз.

Назаримда ҳар йили анъана тусига кириб бораётган мазкур ярмарканинг самараси сифатида ёшлардаги қадим миллий ҳунармандчилигимизга булган иштиёқ янада ортиши шубҳасиз.

Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат»нинг масус мухбири.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда).

 га ҳам фақат фойда келтиради.

Биз бу ерда тест-рейтинг имтиҳонларига тайёргарликнинг қай даражада бораётганлиги билан қизиқдик.

— Дастлаб лицей-мактабимизда тест-рейтинг жараёнини татбиқ этиш бирмунча қийин кечди. Аммо турли олийгоҳлардан келиб ишлаётган домлалар ёрдамида тез орада мақсадимизга эришдик, — дейди мен билан суҳбатда мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Мавлуда Исматова. — Бугунги кунга келиб 5-синфдан бошлаб ўқувчиларга тест-рейтинг жараёни ҳақида тўлиқ кўникмалар бериб боряпмиз.

Дарҳақиқат, бу усул нафақат ўқувчи билим даражасини, балки унинг фанларга қизиқиши, ўқитувчиларга муносабати, давомати, қолаверса, қобилиятини ҳам ўзида очиқ-ойдин акс эттиради.

• бир чорагида биз ўз рейтинг балларимизни йиғдик. Тест имтиҳонлари топшириш жараёнини ҳам пухта эгалладик. Масалан, мен ўзим тест қоғозларини рисоладагидек белгилай олишимга ишонаман. Умуман, тест ўқувчининг, абитуриентнинг ҳақиқий баҳосини аниқлашда кўмаклашади. Унда билган ва ҳаракат қилган киши ютади.

Ифтихор, ТошДТИ гуруҳи, 11-«А» синф ўқувчиси:

— Тест синови ўқувчи дунёқарашини ўстиради. Бизга устозимиз Бурхон Курбонов бу усулдан консультациялар бериб, имтиҳондан ўтиш жараёни ҳақида сўзлаб беряптилар.

Шоҳруҳ ЮСУФХЎЖАЕВ, ТошДТИ гуруҳи, 11-«А» синф ўқувчиси:

— Мен Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга киришга ҳаракат қиляпман. Ўз билимимни чуқурлаштириш мақсадида химия, биология ва адабиёт фанлари репититорлари хизматидан фойдаланяпман.

ТЕСТ КОНСУЛЬТАЦИЯСИДАН РЕПОРТАЖ

Бу йил битириш имтиҳонлари тест-рейтинг синови асосида 7,8,9,10,11-синфларнинг ўқув режасидаги саволлар асосида бўлиб ўтади. Шу ўринда, аввало, ўқитувчи 3-4 йил илгариги дарсни эслай олиши, мукаммал билиши, сўнгра ўқувчидан талаб қилиши лозим. Демак, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз устида мунтазам ишлаши, изланиши керак бўлади.

Афсуски, баъзи ҳолларда абитуриент қанчалик кучли тайёрланмасин, оддийгина тест варақасини тўғри тўлдиришни билмаслиги оқибатида ўқишга киролмайди. Бунинг учун айбни ўқувчидан эмас, балки у таҳсил олган мактабдан излаш керак бўлади. 273-лицей-мактабда бўлганимда, ўқувчиларга тест синовидан консультациялар берилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мен лицей-мактабнинг битирувчи синф ўқувчиларининг тест синови борасидаги фикрлари ва уларга тайёргарлиги билан қизиқдим.

Абдусалом АБДУРАҲМОНОВ, ТошДТИ гуруҳи, 11-«А» синф ўқувчиси:

— Мен ўз билимларимни янада ошириш мақсадида биология ва химия фанларидан репититорга қатнаяпман. Бундан ташқари ДТМ томонидан ташкил қилинган тайёрлов курсида инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан сабоқ оляпман. Буларнинг ҳаммаси ўзим учун қўшимча фойда ҳисобланади.

Шаҳноза РАҲИМОВА, ТошДТИ гуруҳи 11-«А» синф ўқувчиси:

— Мазкур ўқув йилининг ҳар бир чорагида биз ўз рейтинг балларимизни йиғдик. Тест имтиҳонлари топшириш жараёнини ҳам пухта эгалладик. Масалан, мен ўзим тест қоғозларини рисоладагидек белгилай олишимга ишонаман. Умуман, тест ўқувчининг, абитуриентнинг ҳақиқий баҳосини аниқлашда кўмаклашади. Унда билган ва ҳаракат қилган киши ютади.

Лицей-мактабда ажойиб бир ташаббуснинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда битирувчи ўқувчиларнинг талаб ва илтимосларини инобатга олиб, тиббиёт гуруҳига химия, автомобиль йўллари гуруҳига ҳамда математика ва педагогика гуруҳига она тили ва адабиёт фанларидан қўшимча имтиҳонлар қўйишибди. Бундан битирувчи ўқувчилар хурсандчилиги ичига сиғмайди. Қани энди ҳамма ерда ҳам шу сингари билимга чанқоқ ўқувчилар кўпайса...

Хулоса қилиб айтганда, 273-ихтисослашган лицей-мактабда синфдан-синфга кўчиш ва битириш имтиҳонларини кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Аввало, ўқувчиларнинг ўзлари тест-рейтинг имтиҳонларига тайёр. Қолаверса, мактабдаги мавжуд 44 та турли русумдаги компьютерлар ҳам тест синовларини ўтказишга шай қилиб қўйилган. Туман халқ таълими бўлими томонидан берилган махсус тест дисклари компьютерга ўрнатилиши ва уларга ўқувчилар аъло даражада жавоб бериши қолган, холос.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

(Боши 1-бетда).

боланинг қўлига китоб берсак, боладаги иқтидор сезилади, ривожланади. Ҳар бир мактабда, қанча ва қандай китоб керак, қайси фандан етишмайди, ўрганиб чиқилади. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашида дарслик ва қўлланмалар масалалари билан шуғулланадиган гуруҳ ташкил этилди. Биз 8 номдаги китобни босмага бердик, улар лотин ёзувини ўрганишга доирдир.

— Татлимурод ака, болалар боғчаларининг аҳволи ҳақида ҳам гаплашсак, чунки ҳозир кўп жойларда мактабгача тарбия муассасалари ёпилиб қолаяпти. Маълумотларга қараганда, Самарқандда бу соҳадаги кўрсаткич 22 фоизга тушиб қолибди, Қорақалпоғистонда ҳам аҳвол яхши бўлмаса керак?

— Болалар боғчалари Қорақалпоғистонда ҳам оғриқли нуқтадир. Шу вақтгача ҳокимиятларга ё халқ таълимига қарашли бирорта ҳам боғча ёпилгани йўқ. Лекин ҳисоб-китоблар 100 дан ортиқ боғчанинг ишламаётганини кўрсатяпти. Буларнинг бари қишлоқ хўжалиги вазирлиги қарамоғидаги болалар боғчаларидир. Ҳозир ҳокимиятларнинг аралашуви билан кўпчилик корхона ва ташкилот тасарруфидаги болалар боғчалари қайтадан очиляпти. Биз уй боғчаларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. 2600 болани бағрига олган 86 та уй боғчаси ташкил этилди. Бу аҳволнинг ўнгланишига замин яратади.

— Болалар боғчаларидаги, мактаблардаги аҳволни яхшилаганимиз билан таълим ва тарбия бериш малакали, иқтидорли ўқитувчиларга келиб тақалади...

— Фикрингизни ўқдим. Озга қаноат қилмайдиган муаллимларимиз мактабни тарк этишяпти. Бунинг устига, пенсионер муаллимларимизнинг кўплари доимий дам олишга кетиб қолдилар. Ҳозир мактабларимизда математикадан, қорақалпоқ тилидан, химиядан муаллимлар етишмайди. «Одобнома» ва бошланғич ҳарбий таълим бўйича мутахассислар кам. Тарих ўқитувчиларига муҳтожлигимиз сезилади. Мактабларда сабоқлар ўз вақтида, дастур асосида ўтказилмаяпти. Етишмаган мутахассислар ўрнини қоплаш чоралари изланмоқда. Қорақалпоғистон давлат педагогика институтларига, давлат университетига, Тошкентдаги муаллимлар тайёрлайдиган институтларга буюртма берганмиз. Ўзимизга ўзимиз замин яратмасак, бўлмайди. Энди бурунгидек ким бизга муаллим ёки тарбиячи юборар экан, деб қараб ўтирмаймиз.

Муаллим ва тарбиячиларни тест-рейтинг аттестациясидан ўтказдик. Аттестация ўқитувчилар дунёқараши, билимдонлик савияси қай даражадалигини кўрсатди. Фидойи муаллим, албатта, пулга қизиқмайди, болаларни тарбиялайман деб ишлайди, мактабга талпинади ва уни ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

— Мактаб ўқувчиларининг, ўқитувчиларнинг ёзги таътили бошланяпти. Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлигининг ёзги мавсумга тайёргарлиги қандай?

— Қорақалпоғистон экологик жиҳатдан ноқулай ҳудуддир. Ҳудудимиз Ўзбекистон умум майдонининг ўттиз фоиздан кўпроқ қисмини эгаллайди. Орол фарёд чекмоқда. Болаларимиз қаерда дам олиши керак? Албатта, республикадан ташқари жойларда. Бу масалада ижобий саъй-ҳаракатлар бўлаётир. Ўтган йили ўқувчиларимиз Тошкент вилоятида, Бухоро, Самарқанд вилоятидаги тоғли, манзарали оромгоҳларда дам олиб қайтишган эди. Ҳаттоки молдавияликлар фарзандларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларига ёрдам беришди. Касаба уюшмалари билан шартномаларимиз тайёрланган. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар қорақалпоғистонлик болаларнинг таътиллари соз ўтишига ёрдам қўлларини чўзишмоқда.

Умуман, сўзимнинг охирида шуни айтиб ўтишни истардимки, баъзилар боланинг тарбияси, таълими билан фақат мактаб шуғулланиши керак, деб ҳисоблайдилар. Тарбиямиз тарихига қарайдиган бўлсак, бунга бефарқ одам бўлмаган. Қўшни, маҳалла-кўй, бозор, дуч келган жойда болаларга яхши хулқдан тарбия бериб борганлар. Агар ҳар биримиз бола тарбиясини муқаддас иш деб билсак, беэътибор бўлмасак, кўзланган мақсадга эришаверамиз. Ишлашни хоҳласак, имкон ахтарамиз, хоҳламасак, баҳона, тўғрими? Шундай экан, халқ таълими соҳаси имкон ахтариб ишлашни талаб этади, тақозо қилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун, раҳмат!

А. ИСРОИЛОВ,
П. ЭРГАШЕВ.

ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН ИМКОН ИЗЛАЙДИ

Мутахассис маслаҳати

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ДЕБОЧАСИ

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама билимли, тадбиркор, ижодкор, ташаббускор, энг муҳими, ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш ўқитувчилар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Шу жумладан кимё биология фани ўқитувчилари дарсларда, миллий экологик, иқтисодий билимлар беришга алоҳида эътибор қаратишлари даркор.

Ҳар бир дарс ўзбек миллий урф-одатларини, экологик тарбияни, бозор иқтисодиётини тўлақонли ёшлар қалбига етказа олгандагина ўғил-қизлар тежамкорлик, тадбиркорликни тўғри англайдилар. Бунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси ўз машғулотларини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, иқтисодий билимлар билан бойитиб бормоғи лозим. Мисол учун ўқитувчи биология фанидан 6-синфда галладошлар мавзусини аниқ далиллар асосида тушунтириб, бозор иқтисодиётига ўтишда ҳар бир нарсани тежаб-тергаб сарф қилишга ўқувчилар эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимизнинг «Нонинг ушоғи ҳам нон», «Ирмоқлардан дарёлар ҳосил булади» деган ҳикматлари замирида улкан маъно мужассам. Мактабда ҳар бир ўқувчи 2 грамм нонни исроф қилса, 500 нафар ўқувчиси бўлган ўқув даргоҳида ҳар бир кунда 1 кг нон, бир ўқув йилида эса 210 кг. нон исроф бўлади. Бу рақамлар вилоятимиз миқёсида олинса, бир ўқув йилида 17 тонна нон исроф бўлар экан. Бундай мисоллар ёшларнинг нонга бўлган ҳурматини оширишга хизмат қилади.

3-синфда ҳайвонот олами ҳақида тушунча беришда паррандачилик, чорвачилик мавзуларига алоҳида эътибор бериб, бу соҳадаги иқтисодий билимни талқин қилиш лозим. Жумладан, бир дона тухумнинг нархи 4-5 сўм, бир килограмм гўштнинг нархи — 90-100 сўм бўлаётган бир даврда ҳар бир фан ўқитувчиси дастур ва мавзулари орқали ўқувчиларни экологик шароитдан келиб чиқиб, чорвачилик ва паррандачилик касбларига йўллашлари, бу касбларнинг аҳамиятини уларга кенг тушунтиришлари лозим.

Ҳар бир фан фидойиси саломатлик дарсларида инсон организмининг турли касалликлар билан оғриши ва уларнинг олдини олишда ўсимликлардан тайёрланадиган гиёҳлар, жумладан, гулдошлар, гулхайридошлар, мураккаб гулдошлар ва бошқа маҳаллий гиёҳлардан фойдаланиш борасида иқтисодий билимлар бериш ва ёшларда ўсимликларга бўлган муҳаббатни оширишга эришмоғи керак. Маълумки, Ўзбекистон ўзининг хилма-хил ер ости қазилма бойликлари билан ҳам машҳур. Ҳудудимизда маъдан конлари, шу жумладан, темир рудалари ҳам бор. Бироқ рудадан олинган темир, чиқинди металлардан олинган темирга қараганда 15-20 баробар қимматга тушади. Чиқинди сифатида йиғилган бир тонна пластмассани қайта ишлаш 5 тонна нефтни тежашга имкон бериши фанда исботланган. Ҳар бир кимё ўқитувчиси шу каби далилларни ўтилаётган мавзуга боғлаб ўқувчига етказса, уларда иқтисодни ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортади. Ўқувчилар томонидан бажариладиган ҳар бир ишнинг натижаларини иқтисодий томондан изоҳлаб бериш муҳим аҳамият касб этади. Мактабда йиғилган темир-терсак, пластмассалар, макулатураларни давлатга топшириш ва ундан олинадиган пуллардан қандай фойдаланиш йўллари ҳам айтиб ўтилса ўқувчилар ўзлари қилаётган иш мазмунини ҳам англаб етадилар.

Бугунги кун биздан тежамкорликни талаб қилаётган экан, ҳар бир ўқувчига иқтисодий иш юритиш руҳини сингдирмоқ керак. Бола гулдан нозик дейдилар. Уларга тўғри таълим-тарбия бериб, қай томонга йўналтирса, шу ҳолда ўсади.

Й. МАТНИЁЗОВ,
Хоразм вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти кимё-биология бўлими бошлиғи.

«УМИД» ВА «КАРИМДЕВОНА» СОВҒАЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон ва Фурқат туманларининг ўсмир ёшлари Ўзбекистон туманидаги 8-ўрта мактабга ташриф этишди. Бу билим масканида «Одоб — инсон зийнати» мавзусида ҳар икки туман ўқувчи-ёшлари ўртасида ўзаро беллашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон тумани ёшларининг «Садоқат» ва Фурқат туманининг «Назокат» гуруҳлари ўнлаб саволлар асосида ўзаро баҳс-мунозара олиб боришди, турли саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Қизғин тортишувлар остида ўтган танловда ҳар икки гуруҳ қатнашчилари 96 баллдан жамғариб, тенг баҳоланди.

Танлов сўнгида ҳар икки гуруҳнинг ҳомийлари бўлган «Умид» кичик корхонаси ва «Каримдевона» маҳалла қўмитаси ўзларининг қимматбаҳо совғаларини гуруҳ қатнашчиларига тақдим этишди.

М. ХОЛМАТОВ.

Қутлов

ОБЛИҚ КЎЗГУСИ

Одатда Оҳангарон тумани дейилганда учта катта-катта қишлоқ кўз олдимизга келади: Қорахитой, Облиқ, Телов. Бу учала қишлоқнинг ўз тарихи, мавқеи, туман ишлаб чиқаришида, маҳаллий мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг етишувида ўз ўрни, аҳамияти бор. Агар масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, Оҳангарондаги Облиқ қишлоғида 1936 йилда расман ўрта умумий таълим мактаби деб юритилган ва ҳозир Ангрен шаҳри тасарруфида бўлган Муқимий номидаги 29-ўрта мактаб мамлакат халқ хўжалигига маҳаллий ходимлар ва мутахассисларнинг етишиб чиқишида жуда катта роль ўйнагани бугун ҳеч кимга сир эмас. Тўғри, Облиқда дастлабки бошланғич мактаблар анча аввал, 1924 йилдан бошлаб фаолият кўрсатган. Бироқ битта қишлоқнинг турли бурчакларида ёлгиз синфлар ҳолида иш олиб борган мактаблар 1936 йилда бирлаштирилиб, ўрта умумий таълим мактабига айлантирилган. Шуниси аҳамиятлики, 1948 йилда мана шу мактаб базасидаги 10-синфни туманда энг биринчи бўлиб 7 нафар ўқувчи тамомлаган. Булар бугун Оҳангарон тумани ва Ангрен шаҳри, Тошкент вилоятининг турли туманларидаги мактабларда, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб, ҳозир нафақа гаштини сураётган Сидиқжон Аминов, Абдурауф Сирожев, Шокир Саъмиев, Роҳила Шамсутдинова, Файзи Исмоилов, Орифхон Эшончаев ва Шукурхон Тўраевлардир.

Облиқликлар ўз вақтида ушбу мактабни бошқарган унинг биринчи директори Ҳабибулла Гасайновдан тортиб даврнинг энг қийин паллаларида ушбу мактабни бошқарган уддабурро мактаб директорлари Абдуғани Раҳмонов, Рашид Латипов, Аброр Усмонов, Ҳамидулла Охундий, Оҳангаронда энг биринчи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган Мурод қори Раҳмедов, Ҳожимурод Аъзамов, Солижон Фаражев, Ҳамдам Қурбоновгача бўлган ажойиб педагог ва тарбиячиларни ҳамон фахр ва ғурур билан хотирлайдилар.

29-ўрта мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг аксарияти билимда етук, тарбияда аъло даражадаги инсонлар бўлиб етишдилар. Жумладан, Учқун Олтибоев — тиббиёт фанлари доктори, профессор, узоқ муддат Республика қон қуйиш илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилди. Шавкат Нажимов — бугун Республика нодир ва рангли металлар ишлаб чиқариш концернининг раиси, Темиржон Отақўзиев — кимё-технология фанлари доктори, профессор, Муртазо Қорахонов — тарих фанлари доктори, профессор, Фазлиддин Шамсуддинов — иқтисод фанлари доктори, профессор, Саломатхон Темурова — педагогика фанлари номзоди, доцент ва бошқалар.

— Ўтган олтмиш йил мобайнида мактабнинг ўнинчи ва ўн биринчи синфларини 2,5 мингдан кўпроқ ўғил-қиз ўрта маълумот билан тамомлаб чиқдилар, — дейди мактаб директори Шукуржон Ўринбоев. — Бугунги кунда мактабнинг барча синфларида 830 нафар бола таълим ва тарбия олмоқда. Уларнинг мукаммал билим олишлари учун энг сара муаллимлар танлаб олинган. Фотима Аҳмедова, Маҳбубахон Фузаилова, Салимахон Олтибоева, Зарифахон Шокирхонова, Манзурахон Ўринбоева ва бошқалар ўзларининг бутун куч ва билимларини ўқувчиларнинг чуқур билим ва ҳаётий кўникма олишлари учун сарф этишмоқда. Айни пайтда ўқувчилар учун 40 дан ортиқ синф хоналари билим ва таълим кабинетларига айлантирилган ҳамда деярли барча фанлар кабинет системасида ўқитилади. Булардан ташқари, аниқ фанларни ўқитиш хоналарида 12 та Японияндан келтирилган компьютерлар мунтазам ишлаб турибди. Ўқитувчилар деярли ҳамма дарсларини кўргазмали воситалар ва техника воситалари ёрдамида ўтадилар.

Яхши ўқув базасига эга бўлиш ва улардан оқилона фойдаланиш, педагогик жамоанинг изланишлари туфайли ўқувчилар таълим-тарбияси рейтинг кўрсаткичлари юқорилаб бормоқда. Натижада мактаб ўқувчилари Ангрен шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Облиқ кўзгуси, фахри ва ифтихори Муқимий номли 29-ўрта мактаб олтмиш ёшга тўлди. Бу санага бағишлаб билим масканида шу кунлари ўтаётган тантаналар собиқ синфдошларнинг — биродару дўстларнинг дийдор кўришуви учун ҳам бир воситалик вазифасини бажармоқда.

Мўмин ҚАЮМ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ПОЙТАХТНИНГ МУЗЕЙЛИ БОҒЧАСИ

Болаларда миллий ғурурни шакллантириш масаласи бугунги қунимизнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидандир. Чунки бу туйғу замирида юрту юртдошлар билан, тарихимизу келажагимиз билан фахрланиш ҳисси мужассам. Миллий қадриятларимизга эътибор кучайган ҳозиргидек дориломон кунларда болаларимизга ғўдакликданоқ шу руҳни сингдириш борасида қилинаётган ишлар ҳаммамизни қизиқтиради, албатта. Боғчалар қошида ташкил этилаётган музейлар худди шу йўлда қилинаётган саъй-ҳаракатлардандир.

Тошкент шаҳридаги 269-болалар боғчасида ташкил этилган музей юқоридаги фикримизга яққол мисол бўла олади. Бу музейда ота-боболаримиз қўллари билан ишланган қадимий уй-рўзғор буюмлари, халқ амалий санъати намуналари, зардўзлик ва заргарлик буюмларининг кўплаб хилларини топиш мумкин. Музей учун боғчада алоҳида хона ажратилган. Экспонатларни тўплашда педагогик жамоадан тортиб, она-оналар, мактаб ўқувчилари, ҳатто боғча болалари ҳам фаоллик билан қатнашганлиги тарихимизга бўлган ҳурматнинг бир ифодасидир.

Маъмура Камолова раҳбарлигидаги педагогик жамоа музейнинг «Болалар боғчасида таълим ва тарбия дастури» бўйича болаларни теварак-атроф ва ижтимоий ҳаёт воқеалари билан таништириш бўлимида кўрсатилган машғулотларни «Мозийдан сабоқлар» туркумига киритиб, митти музей экспонатлари тимсолида мужассамлаштиришган. Мисгарлик, кулолчилик, каштачилик бўлимлари ҳам мавжуд. Ҳар бир экспонат болалар учун қизиқарли, халқимизнинг азалий урф-одатларининг тимсоли бўлиб хизмат қилади. Тарбиячилар болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда машғулотлар тузганлар.

Боғча музейида Ўзбекистон Республикасининг бугунги куни билан боғлиқ бўлган мавзудаги экспонатлар ҳам анчагина. Ушбу мавзу доирасида машғулотлар Президентимиз сурати, республикамиз байроғи ва герби мужассамлашган катта стенд атрофида ўтказилади. Болалар Ўзбекистоннинг турли давлатлар билан дўстона муносабат қурганлиги, унинг истиқболи ҳақида суҳбат олиб борадилар, келажакда ўзлари ким бўлишлари ҳақидаги орзуларни билдирадилар. Кичкинтойлар онгида водийу чўллар, дарёю қўллар, тоғу боғлардан иборат бепоён Ватанимиз ҳақидаги тушунча Ўзбекистон харитаси билан ишлашда, кўҳна шаҳарларига фаразий саёҳатлар уюштирганда, Буюк ипак йўлидан олиб борилган «сафарлар» жараёнида ҳосил бўлади. Ўзбек халқи инсонпарвар, тинчликсевар, меҳр-оқибатли эканлигини эса улар умумхалқ байрамлари, анъана ва удумлар мазмуни билан танишишда, бевосита уларда иштирок этиш жараёнида англаб оладилар.

Пойтахтимиздаги мазкур 269-болалар боғчасида таълимнинг янги-янги усулларини қўллаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Боғча жамоаси янги ўқув йилидан «боғча-гимназия» шаклида иш бошлаш арафасида турибди. Бундай янги турдаги таълим муассасасини барпо этишдан мақсад, болаларга берилаётган тушунча ва билимларни янгилаш, уларни ривожлантириб, чуқурлаштириш, такомиллаштириб, муайян тизимга келтиришдан иборат.

Кичкинтойларга айтадиган сўзимиз, берадиган тушунча ва билимларимиз қанчалик пухта ва мукаммал бўлса— уларнинг мактабдаги таълими, комил инсон ва мустақил мамлакатнинг озод ва эркин фуқаролари бўлиб тарбияланишларига замин бўлади, истиқбол сари ҳаракатнинг дастлабки илдам ҳаракат нуқтасида ҳаётбахш тараққиёт омили ва воситасига айланади.

С. АБДУЛЛАЕВА.
Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.

Фитрат таваллудининг 110 йиллигига

ФИТРАТ ВА ЭСКИ ТУРК АДАБИЁТИ

Фитратнинг серқирра фаолияти ягона ҳаракатлантирувчи кучга эга. Бу — Туркистон ҳурлиги ғоясидир. У хоҳ бадиий асарларида бўлсин, хоҳ илмий-назарий асарларида бўлсин, хоҳ оммабоп асарларида бўлсин, бу маслакдан сира ҳам четлашган эмас. Адиб қўлига қалам олганидан бошлаб, то умрининг охиригача бу маслак гоҳ кучланиб, гоҳ пасайиб, гоҳ ўзгачароқ шаклларда намоён бўла борди. Унинг «Тилимиз» (1919) номли мақоласи шундай ёлқинли сўзлар билан бошланган эди: «Дунёдаги энг бой, энг бахтсиз бир тил қайси тилдир? Биласизми? Туркча...»

20-йиллар ўрталарига қадар давом этган ғайриихтиёрий сўз эркинлиги (ҳали бу вақтларда компартиянинг сўз эркинлигини бўғиш учун қўли бўшамаган) бундай оҳангда гапиришга изн берар эди. Аммо баъзи бир воқеалар рўй бердики, бу Фитратнинг ҳам анча ҳушёр тортишига сабаб бўлди. («Туркистон мухторияти»нинг қонга ботирилиши, Бўхоро амирлигига қилинган шафқатсиз босқинларни кўзда тутмоқдамиз.) Энди у, қайтадан, қурашнинг яширин ва самарали усули — илм-маърифат йўлида фаолият бошлади. Бу Фитратнинг узоқ мозий бўйлаб қилган сафарлари мисолида кўринади. «Саҳф» (1924), «Ҳаҳв» (1925) каби тилшуносликка оид асарлар «энг бой, энг бахтсиз» — туркий тилнинг яширин имкониятларини кашф этиш учун ёзилди. «Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳ ҳоллари — У. Ж.) тўғрисида ишлашнинг ҳали биринчи пайтида яшаймиз. Шунинг учун тилимизнинг қоидаларини бутунлай майдонга қуюб, атамаларини собит бир ҳолга келтира олгонимиз йўқ... Тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларни майдонга қўймоқ учун, яна бир оз тиришмогимиз, бир-биримизга кўмак қилишимиз лозим», — деб ёзган эди у, «Наҳв» (3-бет) сўз боғ-шисида. 1927 йилда яратилган «Энг эски турк адабиёти намуналари»да юқоридаги фикрлар ривожлантирилади. Бу — кўп асрлик тажрибалар маҳсули бўлган, дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналари, туркий тиллар таснифи масаласида йирик мусташриқлар — Радлов, Самайлович, Нажиб Осман-бек, Кўприлизодалар билан қилинган илмий баҳсларда кўринади. Баҳслар хусусида проф. Б. Қосимов ўзининг «Маслакдошлар» (Т., 1994, 135-бет) китобида қисман тўхталган.

Фитрат Радлов ва Самайловичлар билан, айнан, туркий тиллар таснифи борасида келишолмайди. Туркий тил тўрт «кўма»га ҳам (Самайлович таснифи) беш «кўма»га ҳам (Радлов таснифи) ажралмаслигини, балки Маҳмуд Кошғарий таснифи буларнинг энг тўғриси эканлигини айтади. «Ўғузча, туркча, иккинчисига ёлғуз «туркча» дейилгани каби, ҳоқоний турқчаси ҳам дейлар эмиш. Маҳмуд Кошғарий «Девони луғат»да мана шу ҳоқоний туркчасини асос қилиб олгон-да, жойи келгач, ўғузча сўзларни ҳам кўрсатиб, изоҳ қилиб берган. Унинг бу таснифи бу кун айнан қабул қилинмаса ҳам, бошқа таснифларга асос қилиб олиниши лозим», — (шу китоб, IV бет) деганда, Фитрат мутлақо ҳақ эди. У ўзбек адабий тили, хусусан, Навоий даври тили бўлган — Чиғатой туркчасининг онаси, юқорида тилга олинган, «ҳоқоний туркчаси»дир деган қатъий ҳукм чиқаради. «Мана шул адабий шеванинг (ҳоқоний туркча кўзда тутилмоқда — У.Ж.) беш аср кейинги шакли Чиғатойчадир», — (шу китоб 15-бет) деб ёзади у. Адабиёт тарихини ўрганувчилар ҳам, аввало, мана шу «ҳоқоний туркчаси»ни тўла ўзлаштириб олишлари лозимлигини таъкидлайди. Бундан кўринадики, адабиёт тарихини ўрганишни энг эски турк адабиёти тарихидан, яъни «Девону луғотит турк»ни ўрганишдан бошлаш, мақсадга мувофиқдир. «Девону луғотит турк» саҳифаларидан жой олган энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ва бу давр тили кейинги шеъриятимизга асос бўлгани шубҳасиз. Бунинг ёрқин мисоли ҳазрат Навоий шеъриятидир.

Фитрат ушбу асарни чуқур ўрганди. Уни тил тарихи жиҳатидан таҳлил қилди. Асар саҳифаларида сочилиб ётган «назм парчаларини мавзу эътибори билан» (Фитрат таъбирлари) сарлавҳалар остида бирлаштирди. Энг қадимги туркий тилдан XX аср боши адабий тилига ўгирди. Изоҳ ва луғатлар тузди. Баъзи сўзлар этимологиясини аниқлашда «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Муқаддиматул адаб» каби энг қадимги манбалардан фойдаланди. Бундан ташқари, олимнинг араб ва форс тилларини мукаммал билиши, тадқиқот илмийлик даражасининг юксак бўлишига олиб келди.

Муаллиф «Девон» таркибидаги баъзи сўзларнинг ишлатилишига асосланиб, жуда муҳим, айни пайтда тарихий далил бўларлик хулосалар ясайди. «Девон»даги бир далилий ашёга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Унда келтирилиб, Фитрат томонидан сарлавҳа остига йиғилган «Уйғурлар уруши» номли бир воқеабанд шеър борки, шеърда дастлабки мусулмон турклари билан мажусий турклар ўртасидаги кураш тасвирланади:

Бажком уруб, отлақо,
Уйғур дағи тотлақо,
Ўғри, ёвуз итлақо,
Қушлар каби учтимиз.

МАЗМУНИ:

Отларга парчам(а)ла* тоқиб,
Уйғур ҳам тотлар устига,
Ўғри ҳам ёвуз итлар устига,
Қушлар каби учиб бордик.

(Шунга яқин бир тўртликни «Девону луғотит турк»нинг янги нашрида ҳам учратиш мумкин. Т., 1960, 72-бет). Ушбу тўртликдаги тот сўзига Фитрат томонидан қуйидагича изоҳ берилган: «Тот — форс-тожик, сарт. «Девони луғат»да мусулмон бўлмаган туркларга ҳам «тот» дейилгани айтилади. Мунда шуниси тўғри келадир» (шу китоб, 58-бет). Бундан иккита хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан — тарихан сарт сўзи, ўрис мустамлакачилари айтмоқчи ўзбекларга нисбатан эмас, балки форс-тожикларга нисбатан ишлатилган экан. Иккинчидан — тарихда мусулмон бўлмаган туркларни ҳам тот деб аташ расм бўлган. Қашқадарё вилоятининг Касби туманида кеккайган, ҳаволаниб ўзгаларга қўпол муомала қилувчи кишиларга қарата «тотилама» сўзи ишлатилади. Бизнингча, бу буйруқ феъли юқоридаги тот отидан ясалган, яъни «тотилама» — «мусулмончиликдан чиқма», деган маънони англатади. Ҳолбуки, мўмин-мусулмонга ҳалимлик буюрилган. Энди иккі оғиз «Алп эр Тўнга марсияси» ҳақида. «Энг эски турк адабиёти намуналари» китоби «Алп эр Тўнга марсияси» ва шахсан, Алп эр Тўнгага «Девони луғотит турк» саҳифаларида берилган таъриф матнини келтириш билан бошланади. Унда айтилишича, тўнга сўзи икки хил маънода ишлатилган: 1) тўнга ботир (йўлбарс) Заҳириддин Муҳаммад Бобур таҳаллуси ҳам тўнга сўзининг ушбу кўринишидан олинган. — У. Ж.); 2) тўнга кўпчилик маъносида (иккинчи маъно хусусида аниқ хулосага эга эмасмиз). Сўнгра Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан Алп эр Тўнгага бағишланган шеърий таъриф келтирилади. Муаллиф бу далиллар билан ҳам қаноатланмай, «Турк тарихига оид форсий манбалар»га (шу китоб, 12-бет) мурожаат қилиб («Равзат-ус-сафо», 5-жилд), Афросиёб авлодларидан бирининг Боласоғунда шоҳлик қилгани ҳақидаги далилни келтиради. Бу Фитратнинг профессионал тадқиқотчи сифатида, ишончли далилларга таяниб, чуқур илмий хулосалар ясаганидан гувоҳлик беради.

Фитрат томонидан тартиб берилган «Алп эр Тўнга» марсияси ўнта тўртликни ўз ичига олган. Ҳар бир тўртликда келадиган нотаниш сўзлар тартиб рақамлари билан берилиб, изоҳланган. Унинг остидан тўртлик таржимаси берилган.

«Девону луғотит турк», хусусан, «Алп эр Тўнга марсияси»нинг кейинги нашрларида ёки шу маносабат билан ёзилган баъзи ишларда, атайин Фитрат номини четлаб ўтиш, унинг ишларини суиистеъмол қилиш, баъзан бу манбадан хабарсизлик туфайли, «Марсия»ни мазмундан анча йироқ таржима қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу илмийлик ва холислик қонунларига тамомила зиддир. Буларнинг бири устида батафсил тўхталиб ўтишни лозим топдик.

1993 йилда ўрта мактабларнинг 9-синфлари учун тузилган «Ўзбек адабиёти» мажмуасида санаганимиз ҳолларнинг охиргисига дуч келамиз. Дарсликда берилган «Алп эр Тўнга марсияси»нинг (дарсликнинг 59-саҳифаси) 3-банд, 3-мисраси «Элдан эрни четлатур», деб таржима қилинган. Фитрат таржимасида бу — «Дунёни эрлардан бўшатадир» (Энг эски Турк адабиёти намуналари, 14-бет) шаклида ўгирилганки, юқоридаги мисра мазмунига мос келмайди. Негаки, муомала тилимизга «Элдан четлатилган эр» ибораси — одамгарчиликдан чиққан, халққа қўшилмайдиган киши маъносини беради. Бизнингча, «Марсия» мазмунига Фитрат таржимаси (яъни «Дунёни эрлардан бўшатадир» — инсонни ҳаётдан бевақт жудо қилади маъносида) айнан мос келади. Бундай саҳвларни дарсликдаги тарҗиманинг деярли барча бандларида учратиш мумкин. Яна матнга мурожаат қиламиз: Дарсликда «Марсия»нинг 7-банд, 3-мисраси ҳам «Юзга заъфар санчади» шаклида таржима қилинган. Бунда ўқувчи юзга санчиладиган «заъфар» нима эканини тушуна олмаса керак. Ҳатто, бу борада, адабиёт ўқитувчиси ҳам лол қолса ажабмас. Ушбу мисрани Фитрат «Қойғу уларни шунчалар оригалатғонким, заъфар суртилган каби юзлари сарғайиб қолибдир» кўринишида ўгирган. Демак, Алп эр Тўнга ўлимидан қайғуга ботиб, йироқлардан от қўйиб келган бекларнинг юзлари заъфарон бўлиб кетган. Фитрат арабча куркум сўзини заъфарон ёки қайғудан юзнинг сарғайиб кетиши маъносида тушунтиради. Бу сўзга «арабча-русча» луғатда — куркума; куркумовый или желтый корень, желтый имбир», — деб изоҳ берилган (Арабско-русский словарь, том 2, Т., 1994, с. 233.) Бу ҳам Фитрат таржимасининг тўғрилигини тасдиқлайди. **(Мақола давомида таржима ва ўгирмоқ сўзларини шартли ишлатаяпмиз — У. Ж.)**

Дарсликдаги 8-банд, 3—4 мисралар таржимаси ҳам, ўзининг ғализлиги билан дарров эътиборни тортади. Шу сабабли, ушбу бандининг Фитрат қилган таржимасини тўлиқ келтирамиз:

Улишиб, аран бурлаю,
Йиртин ёқо урлаю,
Сиқриб, уни юрлаю,
Сиқтаб, кўзи уртилур —

МАЗМУНИ:

Эрлар*, ботурлар бўрилардек увладилар,
Ёқаларини йиртиб, қичқирдилар,
Ашула айтиб (марсия айтиб — У. Ж.), нола қилдилар,
Қаттиғ йиғлағонлари учун, кўзларини ёш тутди,
ҳеч нарсани кўрмадилар (ўша китоб, 17-бет).

Тўртликнинг луғат қисмида юрламоқ сўзига қуйидагича изоҳ берилган: «Юрламоқ — буни тополмадим. «Девони луғат»да шу мисраъ «ашулачилар каби нола қилдилар» деб таржима қилинғон. Ашула маъносида «йир» сўзи бор. Тўғриси «йирламоқ» бўлса керак». Туркий халқларда маросим қўшиқларининг азаларда айтилиши маълум. Бунинг устига, қозоқ туркларида жирламоқ сўзи — қўшиқ қуйламоқ маъносида келадики, бу айнан йирламоқ сўзининг ҳозирги қозоқ тилидаги шаклидир. Шу маънода Фитратнинг юқоридаги таржимаси ишончли чиққан дея оламиз. Дарсликда эса, шу бандининг 3—4 мисралари «Ёқа йиртиб турдилар, Йиғлаб сиқтаб юрдилар», шаклида таржима қилиниб, мазмунга путур етказилган. Чамаси, таржимон урлаю сўзини — турдилар; юрлаю сўзини — юрдилар шаклида осонгина ўгириб қўя қолган. Бандининг охири мисраси «Кўз ёшлари мўл бўлди», деб берилганки, бу на шеър табиатига, на ҳаётий мантиққа мос келади. Одатда мўл бўлди ибораси — тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик маъносида қўлланилади. Ижобий маънони билдиради. Шоир ўз изтиробларини:

Ваъдаи васлинг илик бергай, деб
ашким бўлди баҳр,
Чунким, ул дарё аро ғарқ ўлдум
— илгим тутмадинг —

дея арз қилади (Алишер Навоий. Топмадим, Т., 1988, 388-бет).

Хуллас, «Алп эр Тўнга марсияси» каби қадимий асарларни оммалаштиришда юксак масъулиятни ҳис қилиб ёндашишимиз керакка ўхшайди. Айниқса, у болаларга тақдим этилаётган бўлса, маъсулият янада ортади. Зеро, XX аср бошларида фаолият кўрсатган — янгича миллий тафаккур асосчилари ҳам, ўз ишларини мактабларни ислоҳ қилишдан бошлаган эдилар. Мактаб таълимида савия юксаклигига интилиш, бугунги кунда ҳам, кенг миқёсдаги масалалардандир.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
ТошДУ аспиранти.

* Парчамала — байроқ учирги пўпак демакдир.

ЭЪЗОЗ

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» санаторияси ҳудудида 1994 йили туман маорифчиларининг дам олиши ва сиҳат-саломатлигини тиклай маскани очилган эди. Унга ҳурмат-эҳтиром билан «Устоз» номи берилди. Мазкур оромгоҳ кейинчалик вилоят маорифчиларининг санаториясига айлантирилди. Бу ердаги минерал сувлар, асосан, ошқозон-ичак, буйрак ҳамда юрак касалликларига шифо бўлмоқда. Санаторияда бир йўла 70 кишининг дам олиб даволаниши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўтган йили май ойида вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан бу ерда 50 нафар педагог фахрийлар бепул дам олган эди. Бундай хайрли иш анъанага айланиб қолди. Санаторияда бу йил ҳам бир гуруҳ фахрий кекса педагоглар дам олиб, ўз сиҳат-саломатликларини тиклашди. Яқинда республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев дам олиш масканига ташриф буюриб, у ерда яратилган қулайликлар билан яқиндан танишди. Фахрийлар билан қизғин суҳбатлашди, кекса педагоглар ҳам ўз навбатида ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари Фотиҳ Азимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов, Бешариқ тумани ҳокими Нуъмонжон Мўминов иштирок этдилар.

Фахрийларга шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари томонидан тайёрланган эсдалик совғалари топширилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Яқинда Самарқанд шаҳрининг марказий истироҳат боғида Сиёб, Боғишамол ва Темирйўл туманларида жойлашган 63 та мактабнинг ёш табиатшунослари иштирокида қушлар байрами ўтказилди. Унда болалар ўзлари мактабда парваришлаётган тўти, каптар, бедана, какликдан ташқари лайлак, япон хўрози, бургут сингари ноёб қушларнинг қотирилган жуссаларини ҳам намойиш этишди. Энг яхши деб топилган мактаб жамоалари эса фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Латиф ТУРОНОВ.

Маорифимиз фахрийлари

Ҳаёт Полвонниёзнинг ёшлигини сийламади. У бир умр отасиз ўксиб, қийналиб ўсди. Отаси борларга ҳавас қилиб яшаши етмаганидек, меҳнаткашлиги ва ишбилармонлиги туфайли қурбон бўлган, бир жувоз ва бир оти учун «қулоқнинг ўғли» деган мудҳиш тамғани кўтаришга мажбур бўлди. Ҳаётнинг сўз билан ифода этиб бўлмайдиган қийинчиликларига мурғак қалби бардош бериши, уларни енгиб, келажакда яхши инсон бўлиб етиши учун у жуда ёшлигиданоқ меҳнатни ўзининг халоскори ва бахти иқболи деб англаб тушунди. Шу туфайли ҳам бир нарсага қўл уриб уни маромига етказиб бажарсагина, бир зум бўлса-да «қулоқнинг ўғли» деган таъна дашномдан халос бўлиши, бундан ташқари, ўзининг 24 ёшида тул қолиб, икки фарзанди Султон ҳамда Полвонжонни тарбиялаш учун бутун умрини аямаган онасига мадад бўлиш учун ҳаётда аламини меҳнатдан ола бошлади.

Оллоҳнинг иноятини қарангки, бошқаларга нисбатан қийналиб кун кечираётган бу оилага худо кулиб боқди. Кутилмаганда мактаб директори Полвонниёзни ўз хонасига чорлаб, деди: «Туман халқ маорифи бўлими қўшни қишлоқларда биология, химия, физика, географиядан ўқитувчилар етишмаганлиги сабабли мактабдан юқори синфларда таҳсил олаётган иқтидорли уч йигитни имтиҳон қилиб, ўқитувчиликка тайинлаш учун суҳбатга таклиф қилаяпти. Юқори синфларда ўқиётган икки кишини топдиму, лекин кўнгил тортмаяпти. Сен ёш бўлсанг-да, илм ва билиминг пухта, улардан пешсан. Мактаб жамоаси ҳаммамиз келишиб сени ҳам маориф бўлимига ўзига хос синовга жўнатаяпмиз. Ўйлайманки, юзимизни ерга қаратмайсан...».

Ўша пайтда қаттиққўллиги, билимдонлиги, зукколиги билан машҳур туман маориф мудири Муҳаммади Турсунов мактабдан юборилган уч нафар ўқувчини шахсан ўзи синовдан ўтказди. Дастлаб ўқувчиларга диктант ёздирди, сўнгра фанлардан савол-жавоб қилди. Ўшанда ўзининг билими, зукколиги, ҳуснихати, бехато ёзиши билан ўн беш яшар Полвонниёз имтиҳондан муваффақиятли ўтиб маориф бўлимининг буйруғига асосан ўзи яшаётган М. Султонов номли жамоа хўжалигининг Қумоқ қишлоғига география фанидан дарс бериш учун ўқитувчиликка тайинланди...

Шу бўлди-ю, Полвонниёз ўзининг бутун умрини болалар тарбиясига бағишлади. Орада Тошкентдаги Низомий номли ўқитувчилик олийгоҳининг география куллиётини сиртдан тамомлаб ҳам олди. Домланинг босиб ўтган умри ва қилган хайрли ишлари бир талай. Айтайлик, у киши минг тўққиз юз эллик учинчи йилдан то нафақага чиққунгача, яъни минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йилгача ўқитувчиликдан ташқари йигирма икки йил сурункасига Элмурод Қурбонов номли ҳамда Марди Султонов номидаги хўжаликларда жойлашган ўрта мактаблар ҳамда мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида директорлик қилганлар. Ўқитувчилик ва раҳбарлик қилгани даврида Полвонниёз ака ўзининг юриш-туриши, маданияти, билимдонлиги билан нафақат ёш ўқитувчилару ўқувчилар, балки бутун қишлоқ аҳли қалбида намуна бўлган. Полвон Тошниёзовнинг таълимини олганлар бугун мустақил мамлакатимизнинг турли шаҳарларида хизмат қилмоқдалар. Айтайлик, бугун Ўзбекистон Олий таълим вазирлигида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган, техника фанлари доктори Шерзод Бўтаев, Тошкент молия олийгоҳида фан номзоди бўлиб ишлаётган Ҳамро Халилов, юридик фанлари номзоди, Самарқанд вилоят божхонасининг бошлиғи А. Пиримов, Самарқанд вилоят ҳокимлигида бўлим мудири Иброҳим Санаев, Каттақўрғон гўшт саноат бирлашмасининг раиси Эгамберди Шодиев, Каттақўрғон туманидан М. Султонов жамоа хўжалиги раиси Қўчқор Шукуровга ўхшаш юзлаб шогирдлари Полвонниёз акани бир умр ўз устози, йўлбошчиси деб билиб, у кишини ҳурмат ва иззат қиладилар...

— Дунёда касб ва ҳунарлар кўп, — дейди биз билан суҳбатда кекса маорифчи Полвонниёз Тошниёзов. — Лекин шундай бир касб борки, барча касб-ҳунарни эгаллашда хизмат қиладиган, ёш мурғак қалб эгаларини йўналтириб уларни ҳаётда ўз ўринларини топишда беминнат хизматчиси бўлган муқаддас касб бор дунёда. Бу ўқитувчиликдир.

Мактабдан ташқари у оилада ҳам, тўй-ҳашамда ҳам, кўчада ҳам, хуллас қаерда бўлмасин ўзининг маданияти, билимдонлиги, кийинишию муомаласида бошқаларга ибрат бўлиши зарур. Очиғи, кейинги йилларда айрим ўқитувчилар чайқовчилик қилишиб, обрўларига путур етказмоқдалар. Энг ёмони, ўқитувчи нуфузига, жамиятдаги ўрнига хиёнат қилмоқда. Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Ахир биз ҳам ўқитувчилик қилиб кам бўлганимиз йўқ. Тўйлар қилдик, етти нафар фарзанд кўриб уларнинг барчасини олий маълумотли қилиш учун марказий шаҳарларда ўқитдик. Тўғри қийналганмиз, гоҳида кишилардан қарз олиб, ёки томорқада ишлаб ҳалол йўл билан пул топиб болаларни ўқитганмиз. Бироқ ҳаргиз бозорга чиқиб, чайқовчилик қилганимиз йўқ. Бу ишдан фарзандларимиз тарбиячиси бўлган ҳар қандай ўқитувчи ҳазар қилиши керак. Киши дунёга қорни учун, пули-давлати учун яшамайди, балки ўзининг касби билан обрў-эътибор орттириб, бир умр ўзига муносиб ном қолдириш учун умр кечиради.

Ҳа, Полвонниёз ака минг карра ҳақ, чунки дунёда кишидан икки нарса қолади, бу яхшилик ва ёмонлик. Полвон ака эса ўз умридан яхшилик деб яшаб одамларга доимо яхшилик тилаб, яхшиликни улашиб бугун бутун бир юзу саксон минглик туман аҳолисидан яхши инсон деб ном олган. У кишини халқ ҳурмату эъзоз қилади, тумандаги оқсоқол деб унга маслаҳат қилиб яхши кунлару тўйларни боши этиб сайлайдилар, ахир инсонга бундан ортиқ мукофот, бундан зиёд бахт бўлиши мумкинми?!

Мўминхўжалик, советлар тузумининг сохта қонуни бўйича айбланган «кулоқ»нинг ўғли Полвон Тошниёзовнинг ҳовлисида бугун катта тўй. У кишининг ҳамқишлоқлари, шогирдлари, дўстлари, фарзандлари мамлакатимизнинг турли бурчакларидан етиб келишиб, домлани муборак 60 ёши билан табриклашмоқда.

Азиз устоз! Юзга кирингу ҳасса ушламанг!

Азим ҚОДИРОВ.

ЮЗГА КИРИНГУ ҲАССА УШЛАМАНГ!

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БОЖХОНА СИЁСАТИ — давлат иқтисодий ва ташқи савдо сиёсатининг таркибий қисми. Давлат томонидан мамлакатга импорт қилинаётган товарлардан бож ундириш ҳамда уларни божхонада расмийлаштиришда муайян тартибни жорий қилиш мақсадларида қўлланиладиган тадбирлар тизими.

БОЖХОНА ТАРИФЛАРИ — давлат чегарасидан ўтказиладиган товарлардан ундириладиган божларнинг тизимга туширилган тўпламмоли. Бож олинадиган товарлар номи ва таснифи, бож ставкаси, уларни ҳисоблаш ва тўлаш усуллари, бож олинмай ўтказиладиган мол (буюмлар) рўйхати, шунингдек, олиб келиш, олиб кетиш, олиб ўтиш (транзит) тақиқланган маҳсулотлар рўйхати кўрсатилади.

БОЗОР — сотувчи билан харидор ўртасида товарни пулга айирбошлаш муносабати; товарлар билан олди-сотди муносабатлари, товар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш ва пул муомаласи қонунларига биноан амалга оширилади. Бозорда икки жараён амалга ошади: бири товарларни сотиш, бунда товар пулга алмашади, яъни Т-П жараёни юз беради, иккинчиси товарни харид этиш, пулни товарга айирбошлаш, яъни П-Т жараёни амалга ошади. Айирбошлаш ихтиёрий ва эркин шаклланган нархларда олиб борилади. Айирбошлаш объектининг моддий шакли жиҳатидан олганда истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, инвестиция, қимматли қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий ишланмалар ва меҳнат (иш кучи) бозорлари мавжуд. Айирбошлаш миқёси жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорлар бор (қ. Жаҳон бозори, Миллий бозор, Регионал бозор).

Товарларнинг четдан келишига қараб очиқ бозор, ёпиқ бозор (ички бозор) сингари турлари учрайди. Олди-сотди миқдори, яъни товар оборoти ҳажмининг ўзгаришига қараб кенгаювчи бозор ва торaювчи бозорга бўлинади.

Амал қилиш характери жиҳатидан бозор уч хил бўлади: тартибсиз (стихияли), режали ташкил этилган ва ниҳоят, бошқариладиган бозор. Стихияли бозордан тартибли, режали ташкил этилган бозорга ўтиш маданийлашган жамиятга хос. Ҳозир ҳеч бир мамлакатда стихияли бозор ҳукмрон эмас, аксинча бошқариладиган бозор етакчи мавқега эга. Собиқ СССР ҳудудида бозор иқтисодиётига ўтишга қадар асосий бўлмаса-да, стихияли бозор мавжуд бўлиб, саноат молларининг чайқов бозори ва деҳқон бозори унинг кўринишларидир.

БОЗОР ИНТЕРВЕНЦИЯСИ — миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни ўзига тобе этиш. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки регион бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади, харидорларни ўзига оғдириб олади. Бозор интервенцияси ҳар хил воситалар билан амалга ошади: демпинг экспорт (ички бозордан ҳам паст баҳоларда экспорт) ишлатиш, юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш, бозор чаққон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш, импорт қилувчи мамлакат ёки регионга моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ — бозор иқтисодиёти учун ҳар хил хизмат кўрсатувчи соҳалар; унга банклар, жумладан, тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналари, солиқ ундирувчи инспекцияси, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотиқ уюшмалари, концернлар, консорциумлар ва бошқалар киради.

(Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).

СОБИҚ СИНФДОШЛАР УЧРАШУВИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактаб бир нур билан жилваланди. Бир нурки, хотира нурлари, дийдор нурлари.

Бу ерда мазкур мактабни 1951 йилда битириб чиққан собиқ ўқувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Бу синфни антиқа синф эди, дея ҳали ҳануз эслаб юришади. Ҳар бир ўқитувчи айнан шу синфга алоҳида тайёргарлик кўрган ҳолда кирарди. Акс ҳолда ўқувчилар муаллимларни саволлар билан шошириб қўйишарди. Мактабда мусиқа тўгараги, оркестрни ташкил этган ҳам худди ўша ўқувчилар бўлади. Ҳатто, улар машҳур балетмейстер Исохор Оқиловни мактабдаги ўқувчилар билан шуғулланишга кундиришганди. Айниқса, спорт бўйича синфнинг донги бутун шаҳарга ёйилган эди. Шунақа ажойиб синф эди, улар. Ҳозир бу синфда ўқиган 31 ўқувчининг барчаси олий маълумотли. Эркин Қосимов, Оқил Исҳоқов, Насриддин Сирожиддинов, Рамзиддин Каримов, Турсун Исмоиловлар фан доктори бўлиб етишишди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовни ким танимайди, дейсиз.

Собиқ синфдошларни мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳакимжон Ҳошимов табриклади. Синфдошлар номидан тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Эркинҳожи Қосимов, Оқил Исҳоқовлар сўзга чиқиб, ўша давр шароитига қарамай, уларда ўқишга катта иштиёқ бўлганлигини айтишди. Ўқитувчилари Фазлиддин Расулов, Абдуллажон Суюмов, Йўлдош Абдуллаевларга миннатдорчилик билдиришди.

Сўнг мактаб ўқувчилари уларга гўлдаста саволлар беришди. Учрашув мактаб ўқувчиларининг катта концерти билан якунланди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Хулласи...

ҚАДИМГИ РИМ ВА СУВ ҚУВУРИ

Қадимги Рим тарихининг ибтидоси сув қувуридан бошланади, дейишса, ишонаверинг. Чунки буюк Рим империяси ҳалокати сабабларини ҳамиша шундан ахтаришади: қувур ундоғ бўлгани учун бундоғ бўлди, бундоғ бўлгани учун ундоғ бўлди...

Мана, навбатдаги «ундоғ-бундоғ»лардан бири. Рим ёзувчиси Плинийнинг дараклашича, боёнлар асбест (ўша қувурлар манбаи) дастурхонлардан фойдаланишган. Тушликдан кейин эса ундаги доғларни йўқотиш учун оловга ташлашган.

Маълумки, асбест ёнгач, ўзидан заҳарли газ чиқаради. Бу дуднинг озгинаси ҳам одамзотга хавфли эканлиги римлик бойларга қоронғу бўлган эса-да, бугун бизга ойнадек равшан.

АМЕРИКАЛИК АБУТАНБАЛ

«Алиф Лайло» («Минг бир кеча»)даги Абутанбални эшитгансиз, ҳойнаҳой. Бироқ унинг Далласлик ҳамкасби Абутанбални бир чўкишда қочирар экан. Эндигина 36 ёшга кирган бу кимсанинг вазни сал кам бир тонна, яна ҳам аниқроғи 970 килограмм.

У бир ўтиришда 7-10 кг гўшт, 4-5 қовурилган товуқ, 3-4 идиш каша, 4-5 та пирожное тановул қилади. Лекин бу тановул фақат очликни сундириш учунгина холос.

— Айниқса, шоколад (бир кунда 3 килодан ошиқ) ва сутли коктейл жону-дилим, — дейди 970 килолик жаноб.

Оғирликни ер кўтаради, дейишарди. Рост экан шу гап.

МИЛЛИЙ ҚЎШИН ТАБИАТГА МОСЛАШДИ

Агар Американинг Техас штатида бирдан ҳаракатга келган кактус (у ерда нима кўп, кактус кўп)ларга кўзингиз тушса, қўрқманг. Ҳайратга ҳам тушманг. Бу рўё эмас, бор-йўғи миллий қўшин аскарлари.

Гап шундаки, мамлакатнинг жанубий сарҳадларида патрул хизматини ўтаётган аскарларга янги — зангорижигарранг ва игнали кийимлар беришди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур кийим миллий қўшиннинг кактуслар орасига бемалол сингиб кетишига имкон туғдиради. Контрабандистларни кузатишда бундан аъло пистирма бўлмайди.

ЧУВАЛЧАНГЛАР ФЕРМАСИ

Чувалчангнинг фойдаси ҳақида гапириб ўтириш шарт бўлмаса керак. Ернинг унумдорлигини оширишда ундан ўтадигани йўқ. Билгичларнинг айтишича, бир гектар ерда камида 3 тонна чувалчанг бўлиши керак.

Голландияликлар ушбу «қумурсқа»га эътиборни жуда оширишган. Яқинда у ерда чувалчанг етказиб берувчи ферма очилди.

ана шунақа гаплар.

СИЗГА ТАЪЗИМДАМАН, ОНАЖОН

Дунё нақадар сиру синоатга бой. Ана, борлиқ ўзининг фусункор тароватини кўз-кўз қиляпти. Баҳорий чечаклар илиқ эпкинларга лаб тутмоқда. Ёмғирдан сўнг ҳосил бўлган камалак жилоси кўзни қамаштиради. Дунёда ана шу етти рангдан бошқа яна ранг мавжудмикан?! Балки, қалбларда қалқиб турган самовий меҳру муҳаббатнинг ранги саккизинчи, дил торларини яхшилик сари созлаётган иймону инсоф, виждон, диёнатнинг ранги биз англамаган ўша тўққизинчи рангдир?! Нима бўлганда ҳам бизнинг ғўр тасаввурларимизга сиғмаётган, дунёнинг югур-югури билан бўлиб биз пайқамай қолган ранглар бисёрдир.

Аёллар ҳақида биз баҳорнинг бошида, уларга аталган кун муносабати билангина гапирамиз. Лекин муўтабар оналаримиз — бани башарни яратган Момо Ҳаво болалари ҳақида ҳар куни, ҳар дақиқа гапирсакда, камлик қилади. Зеро, бизнинг дунёни кўришимизга, борлиқ ҳақида мушоҳада юритиш ва уни англашга бўлган ҳаракатларимиз сабабчиси ўша оналаримиздир.

Аёл ҳақида гап бошласам, кўз олдимга меҳрибон онам келаверадилар. Онам Ҳакима Намозова кечагача қишлоқ мактабида тарих ва жамиятшунослик фанларидан ўқувчиларга сабоқ бердилар. Бугун эса нафақага чиқиб, уйда бизни дуо қилиб турибдилар. Муаллим бўлиб мактабда бир неча йил ишлаш, унинг заҳматли нони билан оила тебратиш осон иш эмас. Бу ёқда рўзғор, бола-чақа, эр... Уларни вақтида ювиб-тараб, нон-ошини бериш керак. Аммо онам ана шуларнинг барига — ҳам мактаб, ҳам рўзғор юмуши, яна хўжалик даласидан олинган 6 гектар пахта ер, икки қути ипак қурти... Ҳаммаҳаммасига улгурардилар. Отам қурилиш муҳандиси, давлат иши билан бўлиб, уйга кеч қайтадилар. Онажоним эса саккиз нафар болани оқ ювиб, оқ тараб, уй-жойни сарištалаб, у кишига пешвоз чиқадилар. Уйда сариштали она, мактабда меҳрибон муаллима, далада илғор теримчи...

Мен онажоним сингари аёллар иродаси олдида бош эгаман. Муаллим фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Уларнинг умрларига Оллоҳдан барака тилайман. Илоҳо, фарзандлари камолини кўриб, қувнаб юраверсинлар.

Норали АСЛОН ўғли.
Шофиркон тумани.

Спорт

«УНИВЕРСИАДА— 96» БАЙРАМИ

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг «Динамо» стадионида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган «Универсиада-96» спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд вилоятлари олий ўқув юртларининг спортчилари иштирок этдилар.

«Универсиада — 96» мусобақасини Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров кириш сўзи билан очиб, беллашув қатнашчиларига муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг ўйингоҳда қизиқарли мусобақалар бошланиб кетди. Ғоят қизиқарли ўтган беллашувларда Самарқанд давлат университети спортчи талабалари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Улар самбо, шахмат, академик эшкак эшиш бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Бадминтон, баскетбол, юнон-рум кураши беллашувларида эса кумуш медаль совриндори бўлдилар. Шамсиддин Худойбердиев, Григорий Пулаевлар юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлиб, Атланта ўйинларига йўлланма олдилар. Оғир атлетикачи Амри Хожамов, Виктор Янский ва Осиё рекордчиси Григорий Рейтман юқори кўрсаткичга эришдилар.

Жаҳон ва Осиё чемпионатлари якунига кўра 73 спортчи Атланта ўйинларига йўлланма олишди. 13 енгил атлетикачи, 8 курашчи, 7 боксчи ва дзюдочилар, 5 оғир атлетикачи, 3 гимнаст ва қиличбоз, юнон-рум курашчилари, байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар, велопойгачи ва теннисчилар республикамиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Э. МАҲМУДОВ,
махсус мухбиримиз.

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Шаҳрисабз шаҳрида курашнинг бухороча усули бўйича ёш полвонлар беллашуви бўлиб ўтди. Шаҳрисабз туман ҳокимининг муовини Баҳодир Остонов мусобақа иштирокчиларини қизғин қутлаб, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақада ёшларга омад тилади. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиги Раҳматилла Саломов ёшлар ўйинлари қатнашчилари спортда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишларига ишонч билдирди.

Республикамизнинг 8 та вилоятидан келган 80 нафар полвон 10 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Уч кун давом этган мусобақалар натижасида энг юқори кўрсаткичга эришган Қашқадарё вилояти ёш полвонлари мусобақа чемпиони бўлишди. Хоразм ва Навоий вилояти вакиллари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

42, 46, 50, 55, 60, 65, 71, 76, 81 килограмм ва ундан юқори вазн тоифаларида қашқадарёлик Б. Хушвақтов, Н. Жалилов, Ж. Исаев, Ш. Маҳмудов, З. Иброҳимов, Д. Хуррамов, қорақалпоғистонлик Б. Аллаберганов, бухоролик Ж. Файзиев, Ш. Болтаев, хоразмлик У. Раҳимов чемпионлик шоҳсупасидан ўрин эгаллашди.

Мухбиримиз.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг



ИЛОНЛАР ОРАСИДА ЎСАЁТГАН БОЛА

ёхуд БЕШКЕНТЛИК ЎСМИР БАҲОДИР ТОШЕВ ХУСУСИДА

Илон! Бу сўзни эшитган ҳамоно ҳар қандай одам боласи сергак тортади. Ногаҳон кўзингиз тушгандачи? Бошқаларни билмайман-у, шахсан мен учун ана шу илондан совуқроқ, ундан даҳшатли-ю, ундан қўрқинчлироқ жонзот бу дунёда ҳали яралмагандек.

Бундан икки йилча бурун «Узбекистон овози» газетасида бешкентлик илонбоз бола Баҳодир Тошев ҳақида мақола чоп этилганди. Ўша кезлар Узбекистон телевидениеси ҳам Баҳодирни бир-икки марта кўрсатди. Эл орасида ҳам, шахсан ўзимда ҳам Баҳодирнинг кейинги ҳаёти ҳақидаги маълумотларга қизиқиш катта. Ана шу қизиқиш мени Қарши тумани Бешкент қўрғонидаги «Узбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигида яшовчи Яраш ака Тошевлар хонадонига етаклаб келди.

Ҳамроҳларим Қарши тумани халқ таълими бўлими мудирининг муовини Исомиддин ака Исломов ва бир пайтлар ана шу илонбоз болани ўқитган муаллим, айни вақтда шу жамоа хўжалигида жойлашган «Узбекистон мустақиллигининг 3 йиллиги» мактабининг директори Боймурод ака Мавлоновлар йўл-йўлакай Баҳодир ҳақида сўзлаб, унинг қандайдир ғайритабиий одатлари ҳақида қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб беришди. Ҳамроҳларим мен Баҳодирга маъқул тушсам суҳбатлашишини, аксинча бўлса у мен билан гаплашмаслиги мумкинлигини ҳам айтдилар.

Яраш ака Тошевлар ҳовлисига киришимиз биланоқ, мен ҳайратдан ёқа ушладим, тўғриси қўрқиб қолдим. Ҳамма томонга сим тортилиб, улик илонлар осиб қўйилган, ҳатто ҳовли устидан ўтган электр симларида ҳам сон-саноқсиз илонлар осилиб ётибди.

— Булар ҳам Баҳодирнинг иши, — тушунтирди Боймурод ака. — У улиб қолган илонларини осиб қўяди. Бу ҳақда сизга айтмаган эканмиз.

Яраш ака уйда йўқ эканлар. Баҳодирнинг онаси Назокат опа бизни чорпояга таклиф этиб, нону чой қўйдилар. Ташрифимиз сабабини билгач, ўз хонасида дам олиб ётган ўғли Баҳодирни айтиб чиқди.

Баҳодирнинг қош-кўзлари қоп-қора, гавдаси узига яраша ган, жисмонан бақувват, чиройли йигит экан. У бизга эмас, ерга қараганча салом берди, аммо қўл бериб сурашмади, эътиборсиз тик тураверди. Гапни яна Боймурод ака бошладилар: «Баҳодиржон, мана бу Абдувалихон аканг «Маърифат» газетасидан эканлар. Сени сураб кептилар, сен билан суҳбатлашмоқчи эканлар».

Йигитчанинг нигоҳи бир неча дақиқа давомида менга қадалиб турди. Рости, унинг кўзларида кучли нур бор экан.

— Майли, — деди Баҳодир, бу киши билан суҳбатлашса бўлади.

Енгил нафас олдим. Қувончли томони шундаки, биз тезда тил топишиб, гапларимиз қовушиб кетди. Менга: «Баҳодир бир оз дудуқланиб гапиради», дейишганди. Йўқ, унинг нутқида ҳам, фикрлаш қобилиятида ҳам, ўзини тутишида ҳам, эътибор билан тинглаб, одоб билан гапиришида ҳам ҳеч қандай камчилик сезмадим.

У ёлғиз мени олиб «илонхона»сига етаклади. Чоғроққина хона. Учта катта-кичик қутилар қўйилган. Тахтадан ясалган бу қутиларнинг олд томонига шиша ойна ўрнатилган, электр чироқлари жойлаштирилган. Буларнинг ҳаммаси Баҳодирнинг ўз иши.

Қутиларда турли-туман турдаги, бир талай катта-кичик илонлар қалин тўкилган ун орасида ётибди. Буларнинг барчасини Баҳодир қир-адирлардан, ариқ ва дарё бўйларидан, дарахт ковакларидан тутиб келган.

Ойна ортидан қўрқа-писа қарай бошладим. Илонлар бири-бирига ўралашиб, алкашиб-чалкашиб ётибди. Ишонинг, жуда қўрқинчли манзара. Баҳодир қутилардан бири устидаги мослама тешиклардан бирини очиб, қўлини илонлар орасига тиқди-да, узунлиги 80-90 сантиметрли, сариғиш, аммо боши қоп-қора, бадбашара илонни суғуриб олди. Газанда Баҳодирнинг билакларига ўралиб вишилларди. У илоннинг бўйнидан шунчалик ғайритабиий тезликда тутдики, тамоман лол қолдим. Баҳодир илоннинг кўзларига шундай тикилдики, шу пайт менинг назаримда у ҳайкалга айланди. Муъжиза рўй берди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг «қора бош» илон Баҳодир ерга қўйганда бамисоли ипдек чўзилиб ётарди. Ҳа, Баҳодирнинг ўткир нигоҳи, унинг кўзларидаги нур «қора бош»ни ҳушсиз ҳолатга келтирган эди.

Мен «илонхона»да Баҳодир билан узоқ суҳбатлашдим. У илонлари ҳақида гапириб берди. Баҳодир менинг илтимосимни ерда қолдирмай, бизларга ўз илонлари билан томоша кўрсатиб беришга рози бўлди.

У чорпоя ёнига илонларидан бир нечтасини «илон халта»сига солиб олиб чиқди. Газандалар халта ичида патур-путир ҳаракат қилиб, вишиллашарди. Баҳодир халтага қўлини тиқиб илонларни галма-гал олиб, ҳар бирининг кўзларига бир дақиқадан тик қарагач, уларни «синдириб», ерга қўя бошлади. Ишонсангиз ерда 12 та илонмас, назаримда 12 та ип ётгандек бўлди-қолди. Баҳодирнинг кўзларидан таралган ўткир нурдан гипнозга учраган илонларнинг барчаси энди илонбоз боланинг қўл ҳаракатларига мос ҳаракат қилишарди.

Навбатдаги илон уйинлари ўта қўрқинчли тус олди. Энди Баҳодир бутун борлиқни унутиб, илонлар оламида машқ бажарарди. У кобра, қулвор, гурза, қора бош, чўл эфаси ва яна биз номларини ҳам билмаган турқи совуқ газандаларни ўз қўллари ва панжаларидан, юз-кўзларидан, қулоқ ва тилларидан тишлата бошлади, илоннинг игнадек ўткир тишлари ўрнидан қонлар оқаяпти. Биз Баҳодирдан «илон уйинлари»ни тўхтатишини қаттиқ илтимос қилдик. У илонларини бирин-кетин йиғиштириб, «илон халта»сига солди-да, жой-жойига қўйиш учун «илонхона»сига кириб кетди.

Биз Назокат опа билан суҳбатлашдик. Назокат опа Баҳодирга ҳомиладорлик кезларида, тушларида нуқул илонлар билан олишарканлар. Баҳодир туғилгач, Назокат опа бундай тушларни қайта кўрмабдилар.

Баҳодирга келсак, у соғлом туғилиб, соғлом ўса бошлабди. У ёшлигидаёқ қўрқмас ва ўктам бола экан. Баҳодир 7-8 ёшидаёқ ўзидан илонларни тута бошлабди. У улғайган сайин тобора илонлар билан кўпроқ машғул бўла бошлабди. Қачон қараманг, унинг қўлларида битта-иккита илон. Одамлар, қўни-қўшни болалар унинг ёнига боришдан қўрқишади, у келаверса узоқроққа кетишаверади...

Баҳодирнинг мактабдан кетиб қолишига ҳам илонлар сабабчи бўлган экан. У ҳар куни мактабга папкасига илонлар солиб борар, баъзан дарс пайтида илонларни чиқариб ўйнатаркан. Бундай пайтда синфонада ўзидан бошқа ҳеч ким қолмас, ҳамма жон ҳолатда ташқарига қочиб қоларкан. Баҳодир ўтирган хонага киришга ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто муаллимларнинг ҳам юраги дов бермай қўйибди...

Бу йўлдан уни ҳеч ким қайтара олмасди. Ота-она кун-узун унинг ортидан юрарди. Баҳодир илон кириб кетган коваккa борар, илонни чақирар, илон бошини чиқарган ҳамоно уни «мот» қилиб, бармоқларидан бирини илоннинг оғзига солиб тишлатиб, илонни хамирдан қил суғургандек суғуриб оларди...

Яраш ака ҳам, Назокат опа ҳам тамоман тинчликларини йўқотишди. «Чидамасанг, чиллик от». Суроб-суриштиришиб Фарғона водийсидаги машҳур фолбинга бордилар. Худодан буюк билгувчи йўқ. Бироқ ўша фолбин Баҳодирни илонлар оламидан ажратиш мумкин эмаслигини, у роппа-росса 18 ёшга тўлганда илонлар шоҳи билан учрашишини, у бу жангда ғолиб чиқса, эл назарига тушган буюк инсон бўлишини, худо кўрсатмасин Баҳодир бу олишувда ютқизса, бу дунё билан видолашувини айтганмиш...

Нима бўлганда ҳам Баҳодирнинг руҳиятига илонлар шоҳи билан бўладиган учрашув ҳақидаги гап мустаҳкам ўрнашиб қолган. Унинг ўзи бу ҳақда бизга шундай деди: «... Ҳа, бу рост. Шу йил августда 17 ёшга тўламан. Хуллас, илонлар шоҳи билан учрашувимгаям бир йилдан кўпроқ вақт қолди. Менинг рақибим Бешкент қўрғони яқинидаги Шайид тепада яшаяпти. Уни мен кўрмаган бўлсам-да, у ҳақда тўлиқ тасаввурга эгаман. У жуда катта ва кучли. Унинг ранги қоп-қора, кўзлари катта-катта бўлиб нурли, ёниб туради... Мен ўша жангда, албатта, унинг олд томонидан боришим керак... Мен ҳозир ҳам Илоншоҳ билан учрашишга тайёрман, аммо у тайёр эмас. Мен бу олишувдан қўрқмайман. Мен уни, албатта, енгаман!..»

Мен шунга иқрор бўлдимки, Баҳодирда Оллоҳ берган алоҳида бир ғайритабиийлик бор. Унинг ақли расо, тинглайди, тушунади. Фақат у ўзини тутунган одамгагина юрагини очади. Танҳо гурунгда Баҳодир билан ҳатто севги ҳақида ҳам суҳбатлашдик. У ўзининг сирли юрагидаги муҳаббат ҳақида гапирди. Аммо бу ҳақда ҳам у Илоншоҳ билан бўладиган учрашувдан сўнг бош қотиришга қарор қилган.

Бир нарса мени жуда-жуда ранжитди. Баҳодир Илоншоҳ билан учрашадими ёки учрашмайдими, буни кейинги ҳаёт кўрсатади. Бироқ, ҳозир ҳам у ҳаммани лол қолдириб, қанчадан-қанча ўта заҳарли илонларни ўз ҳукмига бўйсундириб турибди-ку. Нима бу алоҳида иқтидор ёки ноёб истеъдод эмасми? Менимча, у ҳозир ҳам қайсидир маънода буюк! Нега унга ҳеч қайси раҳбар эътибор кўзи билан қарамаяпти? Нега унга яхшигина «илонхона» қуриб берилмайди.

Қолаверса, Баҳодирдаги ҳудо берган ноёб истеъдодни қадрига етиб, уни илон тутиш, илонлардан заҳар олиш касбларига жалб этилса бўлмайдими? Ўйлаймизки, бу масалаларга ҳам жавоб топилар. Ишқилиб Баҳодир соғу-саломат бўлсин!

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети университет қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицей-интернат 1996-97 ўқув йили учун ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга республикамизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон республикасидан ва Тошкент шаҳридан 8-синфни битирганлар 9-синфга, 9-синфни битирганлар 10-синфга қабул қилинади. Лицей-интернатга қабул қилинганлар 4 маҳал бепул иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Лицей-интернатда қуйидаги синфлар мавжуд:

1. Математика
2. Физика
3. Иқтисодиёт
4. Химия
5. Биология

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 30 июнгача лицей биносида қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар боғичли папкада топширилиши лозим:

1. Лицей-интернат директори номига ариза.
2. 8-синфни битирганлик тўғрисида табель (9-синфни битирганлик ҳақида гувоҳнома). Табель ва гувоҳномада «3» баҳо бўлмаслиги лозим.
3. Соғлиги тўғрисида маълумотнома (086 форма) ва эмлаш картаси (063)
4. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси.
5. Турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотномалар.
6. 3х4 улчамли 6 та сурат.

Лицейга кирувчилар Узбекистон Республикаси Давлат гимнини ёд билишлари, Гербимиз ва Байроғимиз тавсифини билишлари шарт. Ўқувчилар суҳбат, тест синовлари ва ёзма иш топширадилар.

1. Биология синфи учун — 2 июлда, химиядан тест, биологиядан ёзма имтиҳон.
2. Химия синфи учун — 3 июлда, биологиядан тест, химиядан ёзма имтиҳон.
3. Физика синфи учун — 4 июлда, математикадан тест, физикадан ёзма имтиҳон.
4. Иқтисодиёт синфи учун — 5 июлда, инглиз тилидан тест, математикадан ёзма имтиҳон.
5. Математика синфи учун — 6 июлда, физикадан тест, математикадан ёзма имтиҳон.

Имтиҳонлар кўрсатилган кунларда соат 9.00 дан бошланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 9-мавзе, 33-уй.
ТЕЛЕФОН: 78-86-49.
ТошДУ қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицей-интернат.

Тошкент вилояти педагогика билим юртининг жамоаси сиртқи бўлим мстодисти

Хадича САЙПУЛАЕВА

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси шу бошқарма бошлиги биринчи ўринбосари Саидаҳмат Усмоновга бобоси

СОБИР бобо ҚАЮМОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти тиббиёт-география факультети жамоаси зоология, одам анатомияси ва физиологияси кафедраси ўқитувчиси Фарида Ёқубовага отаси

Абдуваҳоб ЁҚУБОВ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор тумани ҳокимияти, Чилонзор туман халқ таълими бўлими ва 179-мактаб жамоаси шу мактаб директори Қобил Қосимовга ўғли

Аҳмаджон ҚОСИМОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Андижон вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Уктам Набиевич Охуновга волидаи муҳтарамаси

РИСОЛАТХОН ая

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар ШОКИР, Икром ИСКАНДАР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456